Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 187 (20. 754) • 1990 йил 18 август, шанба • Баҳоси 3 тийин.

БУГУНГИ СОНДА:

● Янги педагогика институти

● Қайта ишлаш корхоналарида қайта қуриш.

● Етти ойлик якунлар нимани кўрсатди?

● Нуқтаи назар

● Умрлар бўладики...

● Эл ўз тарихини унутмайди.

• Янгиликдан хабарингиз борми?

ЭШИКЛАР ОЧИҚ

Мухбиримиз Р. ЕШИМБЕТОВ Қорақалпоғистон мухтор жумҳуриятида янги ўқув йилида қандай янгиликлар бўлишини шарҳлаб бериш юзасидан Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети Раиси ўринбосари Бибиойим Алланазаровна ЮСУПОВАга мурожаат қилди.

— Ҳақиқатан ҳам янгиликлар кўп. Олий ва ўрта махсус ўқув юртларига абитуриентлар қабул қилишда уларнинг билими, савияси, интизоми, ҳатто турар жойига алоҳида эътибор берилди.

Шу йилнинг биринчи сентябридан Нукус давлат дорилфунунининг филология, тарих, география, педагогика, математика ва бошқа факультетлари базасида Қорақалпоғистон педагогика институти ташкил қилинди. Бу олий ўқув юртига дорилфунуннинг эски биноси топширилди. Институтда талабаларнинг билим чўққиларини эгаллашлари учун барча имкониятлар яратилиб берилган.

Нукус давлат дорилфунунида педиатрия факультети очилди. Бу факультетга индустриал техникуми биноси бўшатиб берилиб, 100 нафар талаба қабул қилинди. Факультетнинг кабинетларини, лабораторияларини жиҳозлашда, асбоб-ускуналар, етук билимдон тажрибали профессор-ўқитувчилар билан таъминлашда Ўрта Осиё медицина педиатрия институти ректорати яқиндан ёрдам кўрсатаётганлигини алоҳида айтиб ўтишимиз керак.

Нукус қурилиш техникуми базасида Тошкент политехника институтининг умумий техника факультетининг очилиши катта воқеа бўлди. Бу йил 75 талаба қабул қилинди. Факультет саноат ва граждан қурилиши, сув таъминоти, сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, канализация, электр таъминоти бўйича кадрлар тайёрлаб беради. Умумий техника факультети кабинетлари ва лабораторияларини безашда, ҳар хил асбоб-ускуналар билан таъминлашда, ўқитувчи кадрлар билан мустаҳкамлашда Тошкент политехника институти амалий ёрдам кўрсатмоқда.

Янгидан очилаётган факультетларда машғулотлар қайси тилда олиб борилади? Биз бу ҳақда жиддий ўйлаб кўришимиз керак. Бизнингча, машғулотлар қорақалпоқ, ўзбек тилларида олиб борилиши мақсадга мувофиқ. Бунинг учун айни шу кунда қорақалпоқ тилида адабиётлар, ўқув ва кўргазмали қуроллар тахтми? Албатта, булар ҳозирча тайёр эмас. Ўйлаймизки, Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги зудлик билан амалий ёрдам кўрсатади.

Бугун жумҳуриятимизда



НИШОНА

● **Бектемир Бобомуродов бошлиқ бригада Акмал Икромов номли совхозданигина эмас, балки Қарши районида илғор пахтакор коллективлардан бири. Бригада заршунослари ўтган йили ҳар гектар ердан 40 центнердан «оқ олтин» йиғиштириб олишганди. Бектемир ака бошлиқ деҳқонлар бу йил ҳам юксак чўққини кўзлашмоқда.**

Мавжуд 60 гектар ерда ғўза бир текис ривожланаётир. Моҳир механизатор Бобомурод Тоғаев экинга 8 марта сифатли ишлов берди. Саид Бобожонов, Берди Хўжамов сингари миришкор сувчилар ғўзани учинчи марта қондириб суғордилар. Шунинг учун ҳам ўсимликнинг авжи баланд. Ҳар тупда 12—15 тадан бўлиқ кўсак бор. Айрим карталардаги кўсаклар бирин-кетин оппоқ очила бошлади.

Мўл ҳосилдан нишонани совхознинг Эркинбой Ҳайдаров, Баҳодир Эшназаров, Бахтиёр Сатторов, Шавкат Ражабовлар бошлиқ бригадалар пайкалларида ҳам кўриш мумкин. Улар бу йил ҳар гектар ердан 38—40 центнердан пахта хирмони яратиш учун ғўза парваришига зўр беришмоқда.

Шу кунларда йиғим-теримга пухта тайёргарлик кўриляпти. 50 та терим машинаси сифатли ремонтдан чиқарилиб, мавсумга ҳозирланди. 14 та оилавий, 39 та бригада пудрати асосида ишлаётган коллектив ғўза парваришини бўшаштирмаган ҳолда ҳосилни нест-нобуд қилмасдан йиғиб-териб олиш тараддудини кўрмоқда. Бепоён пахтазорларда эса олтин куз нафаси эсяпти. Улкан карвондан нишона — лўппи пахталар кўзга ташланяпти.

М. КАРОМОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

МАВСУМГА ШАЙ

Пастдарғом районидаги «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги меҳнат аҳли бу йил мавжуд 1070 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 30 центнердан ҳосил олиш учун курашмоқда. Айни кунларда барча ишлар кўнгилдагидек олиб борилмоқда. Миришкорларнинг нияти — Ватанимизга 3210 тонна дурдона етказиб бериш. Техника — деҳқон қаноти, деганларидек ҳосилнинг 65 фоизини «зангори кема»лар бункеридан тўкишга аҳд қилишган.

Шу мақсадда техника воситалари ремонт қилиниб, тайёргарлик чизиғига келтириб қўйилмоқда. 14 та терим машинаси, 6 та кўсак юладиган, 16 та кўрак ювийдиган агрегатлар, 4 та боклагич, 35 та тележка сифатли ремонт қилинди.

Абдуҳолиқ Пардаев, Илаш Мардонов, Норқобил Ҳақбердиев сингари серғайрат слесарлар бу ишда жонбозлик кўрсатмоқдалар.

Н. ЭШҚУВВАТОВ.

ПАРВАРИШ ҚИЗҒИН

Фарғона вилоятидаги Охунбобоев ноҳиясига қарашли Мамажон Ниёзов номли давлат хўжалиги деҳқонлари бу йил 970 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 30 центнердан «оқ олтин» етиштириш йўлида астойдил меҳнат қилаётирлар. Оби-тобида суғориш ишлари авжида.

Айни кунларда миришкорлар ғўзани парвариш қилиш билан бирга теримга ҳам пухта ҳозирлик кўраётирлар. Кўпгина техника воситалари ремонтдан чиқариб қўйилди. Хирмонжойлар ҳозирланди, машиналар айланадиган жойлар текисланмоқда. Хуллас, барча ишлар теримни юксак савияда ўтказишга қаратилмоқда.

Т. ТЕШАБОЕВ.



СУРАТ-ЛАВҲА





Кичик цехлар шарофати

Андижон вилоятидаги ҳар бир район тайёрлов идораси ҳузурида камқувват цехлар фаолият кўрсата бошлади. Ҳозир бундай кичик цехлар қурилиши авж олдириб юборилди. Корхоналар кўп жиҳатдан манфаатли. Дастлаб улар кооператив саноати тармоқлари кенгайиб боришини таъмин этади. Шунингдек, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрлаш, сақлаш ва қайта ишлаш моддий-техника базасини мустаҳкамлайди.

Вилоят қишлоқларида кичик цехлар қурилишининг яна бир муҳим афзаллиги — аҳолининг ишсиз қисмини уларга жалб этишдан иборат.

Бугунги кунда 10 та консерва цехлари қурилган бўлиб, улар маҳсулот бера бошлади. Йил охиригача бундай цехларнинг сони 14 тага етказилади. Ҳар бир цех йилига 1 миллион банка маҳсулот тайёрлайдиган бўлади. Консерва цехларида қиём пиширилиб, шарбатлар тайёрланмоқда. Куз кириши билан тузлама участкалари ҳам ишга тушади. Уларда минг тоннадан зиёд карам ҳамда помидор тузланадиган бўлади.

Вилоят матлубот жамияти консерва саноати корхоналари тармоғини кенгайтириш билан бир қаторда новвойхоналар қурилишига ҳам эътиборни кучайтирди. Уз дўконларига эга кичик новвойхоналар қурилиши жадаллаштириб юборилди. Ҳар бир нон комбинати ҳузурида иссиқ нон дўконлари ҳам очиш мўлжалланяпти.

Суратларда: 1. Балиқчи районидаги консерва цехи ходими Машҳура Йўлдошева ўз корхонаси маҳсулотларини намойиш этмоқда. 2. Сотувчи Мақсуд Умаров Қўрғонтепа аҳолисига сабзавот маҳсулотлари сотяпти. 3. Ильич шаҳар матлубот жамияти ҳузурида ширинликлар цехи маҳсулот бера бошлади. Цех бошлиғи М. Акбаралиев (чапдан), уста ширинпазлар Х. Исоқов билан А. Қундузовларни кўриб турибсиз.

(ЎзТАГ фотохроникаси).

БУТУНИТТИФОҚ МУВОФИҚЛАШТИРИШ КЕНГАШИ

Урганчда пахтачилик масалаларини Бутуниттифоқ мувофиқлаштириш кенгашининг мажлиси бошланди. Унинг ишида мамлакатнинг барча пахтакор жумҳуриятларидан келган деҳқонлар, ғўза селекцияси ва уруғчилиги, пахта етиштириш ва йиғиб-териб олиш муаммолари билан шуғулланаётган олимлар қатнашмоқдалар.

Пахтачиликнинг ҳозирги аҳволи ва уни ривожлантириш истиқболи масалалари, Орол денгизини сақлаб қолиш ва Орол регионидаги экология вазиятини соғломлаштириш муаммолари муҳокама қилинади. Меҳмонлар бир қанча пахтакор ва шоликор хўжаликларига борадилар, иш тажрибаларини ўртоқлашадилар.

Кенгаш мажлисининг Хоразмда ўтказилиши тасодиф эмас. Воҳа деҳқонлари бой тажриба тўплаганлар, хўжаликларда муҳим иқтисодий шарт-шароитлар ва моддий-техника базаси яратилган бўлиб, улар пахтачилик ҳамда шоликорликни жадал ривожлантиришни таъминлайди.

Шу билан бир қаторда вилоятда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши шундай даражага етдики, эндиликда агротехникани одатдагидек яхшилаш ерларнинг унумдорлигини сезиларли даражада оширмайди. Қишлоқ хўжалик фани ва техникасининг энг янги ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш зарур. Деҳқонлар ғўзанинг янги истиқболли навларини яратиб бериши муҳимдир.

Туямўйин гидроиншооти ишга туширилганлиги, қуриб бораётган Орол фожиаси, экинларни суғориш учун сув етишмаётганлиги сабабли воҳада деҳқончилик шароитлари анча ўзгарди. Шу сабабли барча экинларни суғоришнинг энг мақбул режимларини, ер ости сувларининг қанчалик чуқурда жойлашиши мақбулроқ эканлигини ҳамда сизот сувлар шўрлиги даражасини ўрганиб, сувни тежайдиган технологияларни ишлаб чиқиш ва дадил жорий этиш зарур.

Ю. ИБРОҲИМОВ,
ЎзТАГ мухбири.

ВИЛОЯТ ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

НАМАНГАН, 17 август. (ЎзТАГ). Бугун бу ерда вилоят партия комитетининг пленуми бўлди. Пленум қатнашчилари КПСС XXVIII съезди қарорлари асосида вилоят партия ташкилотининг вазифаларини муҳокама қилдилар. Вилоят партия комитетининг биринчи котиби Б. Ж. Ҳакимов маъруза қилди.

Пленум ишида Ўзбекистон ССР халқ назорати комитетининг раиси М. М. Мирқосимов қатнашди.

ПРЕЗИДЕНТГА КЕЛГАН ХАТЛАРНИ ЎҚИБ...

Жумҳурият Президенти И. А. Каримов номига келаётган хатлар жамоатчилик фикрининг ўзига хос ифодасидир. Уларда одамларнинг кўпчилигини тўлқинлантираётган, уларнинг манфаатларига тааллуқли, қайта қуриш чоғидаги мураккаб жараёнлар устида ўйлашга мажбур этаётган барча муаммолар акс этган.

● ОРОЛ ФОЖИАСИГА ҳеч ким бефарқ қарай олмайди. «Оролни қутқариш калити бутун минтақа иқлимини тўла-тўкис ўрганишдадир», — деб ҳисоблайди Қашқадарё геология-қидирув экспедицияси геология-қидирув партиясининг бошлиғи В. Б. Абатуров. У тоғ ёнбағирларида ва тоғолди ерларида дарахтзорлар барпо этишни сув запасларини кўпайтиришнинг эҳтимол тутилган йўлларидан бири сифатида таклиф этади.

Тошкентлик инженер-механик К. Н. Слепкин ҳам денгизни сақлаб қолишга қаратилган ўзига хос таклифни киритади. Хоразм вилоятининг Боғот районидан С. Қувоқов, Нукусдан Н. Отамбетов, Бухоро вилоятининг Пешқу районидан Х. Т. Хонзараров, Тошкент вилоятининг Чиноз районидан М. Жониқулов, Қашқадарё вилоятининг Шаҳрисабз районидан Ш. Эшонқулов, Сурхондарё вилоятининг Термиз районидан Б. Баҳромов, Қозоғистоннинг Жамбул вилоятидан И. Н. Шабанов, Термиз станциясидан Х. Худойбердиев ва бошқа кўпгина ўртоқлар ҳам ушбу муаммо хусусида фикр юритадилар.

Албатта, мутахассислар ҳар бир таклиф юзасидан ўз хулосаларини айтишлари лозим, лекин хатларда қуриб бораётган денгизнинг тақдиридан чуқур ташвишланиш изҳор қилинганлиги фақат бир ёқадан бош чиқариш, олимлар, мутахассисларнингина эмас, айни вақтда Орол бўйида ҳамда Ўрта Осиё минтақасида яшаётган барча-халқларнинг куч-ғайратларини бирлаштириш натижасидагина экологик фалокатга чек қўйиш мумкинлигидан далолат беради. Президентга келаётган хатлардаги асосий фикр шундан иборат.

● КЎП МИЛЛАТЛИ ЎЗБЕКИСТОНДА ҳеч кимни бефарқ қолдириши мумкин бўлмаган иккинчи муаммо — миллатлараро муносабатларнинг кескинлашувидир.

«Менинг бувим Ўрта Осиёга жуда кичкиналигида келган, 93 ёшли онам шу ерда туғилган,— деб ёзади тошкентлик пенсионер И. М. Ломакина. — Биз бу диёрни ўз ватанимиз деб ҳисоблаймиз ва уни ташлаб кетишни хоҳламаймиз». И. М. Ломакина Президентга қайта қуришни қўллаб-қувватлаб, қилаётган ишлари, жумҳуриятда яшаётган барча миллат кишиларига астойдил ғамхўрлик кўрсатаётгани, аҳволни изга солиш ва умумий тотувликка эришиш йўлида ҳаракат қилаётгани учун миннатдорчилик изҳор қилади. Бундай хатлар кўп. Шаҳрихонда истиқомат қилувчи Абдулла Ниёзматов Президентнинг Ўзбекистон халқларига Мурожаати муносабати билан чуқур қониқиш изҳор қилган. Фарғона вилоятининг Риштон районидан Р. Алиев, Тошкентдан Ғ. Исломов ҳам шу ҳақда ёзганлар.

Уруш ва меҳнат ветеранлари совхоз кенгашининг раиси У. Назаров Жиззах вилоятининг Фориш районидаги Омонгелди номли совхозда яшаётган қозоқлар номидан Президентга мурожаат қилган. У Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистон раҳбарларининг учрашуви, ушбу жумҳуриятларнинг иқтисодий, илмий-техникавий ҳамда маданий ҳамкорлиги тўғрисида битимга эришилганлиги дўстлик ва яхши қўшничиликни мустаҳкамлашга, ижтимоий тараққиётнинг тезлашишига кўмаклашади, деб ишонч билдирган.

Тошкентлик пайвандчи В. П. Ричагов шундай деб ёзади: «Сиз, Ўзбекистон Президенти сифатида халқимиз бойроқ бўлиши, камбағаллар, камситилганлар ва хўрланганлар бўлмаслиги учун қўлингиздан келган барча ишларни қилишингизга ишонаман. Ўз фаолиятингизда бир туйғуга — адолат ва олижаноблик туйғусига амал қилишингизни тилайман». У ҳаётининг оғир дақиқаларида ўзбеклар орасида унга ғамхўрлик қилиб, саҳийлик билан бағрини кенг очган дўстлар орттирганлигини ҳикоя қилади.

● ПРЕЗИДЕНТГА КЕЛГАН ХАТЛАРни ўқир экансан, уларнинг муаллифлари жумҳуриятимиз раҳбарига очиқчасига ва ишонч билан мурожаат қилаётганликларини, у билан ошкора суҳбат қураётганликларини беихтиёр пайқайсан, киши. Андижон вилоятининг Хўжаобод районидаги «Дўстлик» колхозининг фожиали Ўш воқеаларидан ларзага келган ветеранлари ва кўп болали оналарининг мурожаатномаси билан танишар экансиз, вужудимиз жумбушга келади. Мурожаатномага 17 киши имзо чеккан. Улар иғвогарлар тарқатаётган миш-мишларга ишонувчи одамлар борлигини алам билан ёзадилар. Миш-мишлар натижасида аҳвол оғирлашиб, қўрқув кучайиб, колхоз хўжалик фаолиятига ёмон таъсир қилмоқда, одамларнинг кайфиятини бузмоқда. «Ўзбеклар ҳам, қирғизлар ҳам фақат битта нарсани — бузғунчи кучларни фош қилиш, қотиллар ва урйиқит қилганлар устидан очиқ суд ўтказиш, уларни қаттиқ жазолашни талаб этмоқдалар. Фожиа айбдорларини жазолаш вазиятни юмшатишнинг, қўшнилар яшаб келган тинчлик ва осойишталик муҳитини тиклашнинг бирдан-бир тўғри йўлидир» — меҳнаткашларнинг фикри ана шундай.

Кўпгина хатлар бозор муносабатларига ўтишга бағишланган. Шуниси қизиқарлики, муаллифларнинг кўпчилиги жумҳурият аҳолиси, айниқса камбағаллар учун бозор муносабатларига ўтиш оғир кечмаслиги йўлида нималар қилиш мумкинлиги хусусида аниқ-равшан таклифлар айтган.

«Қишлоқ ва унча катта бўлмаган поселкаларнинг барча аҳолиси йил бўйи ишга эга бўлишлари муҳимдир — ховослик уруш ва меҳнат ветерани В. Ц. Цибулиннинг фикри ана шундай. — Бунинг учун тўқимачилик хом ашёсини ишлаб чиқарадиган кичик корхоналар қуриш керак. Бу техникавий жиҳатдан унча мураккаб эмас, иқтисодий жиҳатдан фойдали бўлиб, ишсизликни тугатишга, аҳоли турмуш даражасини оширишга олиб келади».

● БИР ГУРУҲ САМАРҚАНДЛИКЛАР, улар орасида СССР халқ депутати О. Крикунова, маҳаллий Советлар халқ депутатлари Ю. Рубцов, Д. Облобердиев, Д. Яминовлар бор, вилоят ҳудудида қўшма хусусий корхоналар зонасини ташкил этиш тўғрисидаги таклифни ўртага қўйганлар. Тақдим этилган лойиҳада кўҳна ҳунармандчиликни қайта тиклашга, саёҳатчиликни кенгайтиришга, саёҳатчилар турадиган меҳмонхоналар ҳамда маданий-спорт-соғломлаштириш биноларини бунёд этишга, ноанъанавий саёҳат йўлларини уюштиришга ва шу кабиларга катта аҳамият берилган.

Албатта, бундай таклифларнинг ҳар бири диққат билан ўрганилади, таҳлил этилади. Бозор муносабатларига ўтиш жараёнининг ўзи унчалик жўн эмас, шу боисдан одамларда кўп шубҳа пайдо бўлмоқда. Бозор иқтисодиётида нарх-наво ошиши кутилаётганлиги муносабати билан одамларни унинг зарбасидан ҳимоя қилиш йўллари ҳам бўлиши керак. Жумҳурият Президентининг бошланғич синф ўқитувчилари иш ҳақини ошириш тўғрисидаги фармони ҳам шунга қаратилган. Шаҳрисабз районидан муаллим Р. Эшбобоевнинг ёзишича, бошланғич синф ўқитувчилари ёш авлодни тарбиялашга кўп куч сарфлайдилар. У ва унинг Ғузор районидаги Э. Тельман номли ўрта мактабдаги ҳамкасблари (хатга жами 18 киши имзо чеккан) маориф ходимларига ғамхўрлик қилаётгани учун миннатдорчилик билдирадилар, ўқитувчилар мактабдан саводхон, маданиятли ва энг муҳими яхши одамлар етишиб чиқиши учун бор куч-ғайратларини сарфлайдилар, деб ишонтирадилар.

Москва яқинидаги Подольск шаҳридан ўқитувчи В. Малигин И. А. Каримовга мурожаат этиб, Сизнинг намунангизга Россияда ҳам эргашишлари мумкин, деб ёзади, бу эса оқилона давлат сиёсатининг яхши тасдиғи бўлур эди.

● ПРЕЗИДЕНТНИНГ БОШҚА ФАРМОНИ — Совет халқининг Улуғ Ватан урушида қозонган Ғалабасининг 45 йиллиги муносабати билан Улуғ Ватан уруши ногиронларига, қатнашчиларига, байналмилалчи жангчиларга ҳамда ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг оилаларига қўшимча имтиёзлар тўғрисидаги Фармони мамнуният билан кутиб олинди. Фарғоналик кекса коммунист Н. А. Вахтурова самимий табрик сўзлари ёзилган хат йўллади: «Биз Сизни дуо қиламиз, дея кутилмаганда тугаллайди у ўз мактубини, — барча ишларингизда муваффақият тилаймиз. Ҳокимият тепасига ўқимишли, ҳалол, ақлли одамлар келганлиги қандай яхши! Улар халқ учун ҳамма нарсани қиладилар».

● АММО, «АЧИТИБ» ЁЗИЛГАН ХАТЛАР ҲАМ БОР. Чунончи, Фарғона вилоятининг Охунбобоев районидан уруш ветеранлари Мамажонов, Қодиров ва Ҳамроевлар (афсуски, улар ўз исмларини ёзмаганлар) районда Президентнинг Фармони бажарилмаётганлигини хабар қиладилар. Бундан фақат афсусланиш мумкин. Бундай хатлар анчагина. Президент жумҳурият халқ назорати комитети билан прокуратурасига жойларда ушбу Фармон қандай бажарилаётганлигини текширишни топширди.

Текшириш натижалари, очиғини айтсак, кишини қувонтирмади. Баъзи вилоятлар, шаҳарлар ва районларда маҳаллий ҳокимият идоралари тарки одат амри маҳол деганларидек, «юқоридан» кўрсатма бўлишини кутидилар, шу сабабли кўпгина ижроия комитетларнинг Фармонни бажаришга доир қарорлари фақат 20 майдан кейингина пайдо бўлди. Байрам эса 9 майда нишонланган эди — шу куни ветеранларни қувонтириш, сезгирлик билан уларга эътибор қилиш қандай яхши бўлур эди! Боз устига текшириш ўтказилаётган куни бутун жумҳуриятимиз бўйича 13 мингга яқин ветеран мукофот олмаганлиги маълум бўлди. Энди, кишини ғазаблантирадиган мана бу мисолга эътибор қилинг: Гулистон ремонт-ишлаб чиқариш корхонасида уруш қатнашчиларини мукофотлашга ажратилган пулларнинг бир қисмини ўзлаштиришга уринганлар, район прокуратураси бу иш юзасидан тергов олиб бормоқда. Баъзи ижтимоий-таъминот бўлимлари ҳам бу ишга ўгай кўз билан қарадилар. Фармон ижроси қаттиқ назорат остига олинди.

● БОШҚА ФАРМОН — жумҳурият аҳолиси шахсий хўжаликларидаги моллар ва паррандаларни ем-хашак билан таъминлаш ва уларда чорвачилик маҳсулотларини кўпайтириш тўғрисидаги Фармонининг ижроси ҳам назорат қилинмоқда. Бу соҳада ҳамма ишлар ҳам кўнгилдагидек эмас. Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, қўқонлик И. Жўраев ўз хатида шуларни ёзган. Кўпгина хўжаликларда ем-хашак исроф қилинаётганлиги, ўғирланаётганлиги тўғрисида фикр юритган муаллиф, мазкур Фармон шахсий хўжаликлар оёққа туриб олишида, фермерликни ривожлантиришда, аҳолини иш билан таъминлаш масалаларини ечишда ёрдам беради, деб ҳисоблайди.

«Сиз қарорларни дадиллик билан ўз вақтида қабул қиляпсиз. Шу руҳда давом этаверинг. Ҳорманг, ўртоқ Президент!» — муаллиф ўз хатини шундай сўзлар билан тугаллайди. Дарвоқе, жумҳуриятимиз Президентига йўлланган деярли ҳар бир хатда шундай истак билдирилган.

(ЎзТАГ).

• *Долзарб мавзуда суҳбат*

БУ БУРЧ — МУҚАДДАСДИР

● Ўзбекистон ССР Президентининг «Улуғ Ватан уруши ногиронларига, қатнашчиларига, байналмилалчи жангчиларга ва ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг оилаларига совет халқининг Улуғ Ватан урушидаги Ғалабасининг 45 йиллиги байрам қилиниши муносабати билан қўшимча имтиёзлар бериш тўғрисида»ги Фармони 1 июлдан кучга кирди. У жумҳуриятнинг барча ҳудудида амал қилади.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Д. БЕРКОВ редакция илтимосига кўра, мазкур Фармоннинг мазмуни ва у қандай бажарилаётгани тўғрисида сўзлаб берди:

— Жумҳурият Президентининг Фармони, — деб таъкидлади Дмитрий Дмитриевич, — Ватанни ҳимоя қилганлар, байналмилал бурчини бажарганлар тўғрисидаги умумий ғамхўрликни чуқурлаштиришга қаратилгандир. Маълумки, юқорида тилга олинган кишиларга жиддий имтиёзлар Иттифоқ ҳукумати қарорларида белгилаб берилган. Бироқ уларда мамлакат турли минтақаларидаги турмуш шарт-шароитларини, жумҳуриятларнинг иқтисодий имкониятларини, кўмак ва ғамхўрликка муҳтож кишиларнинг аниқ миқдорини ҳисобга олиш қийин. Жумҳуриятимиз Президентининг Фармони айнан мана шуларни назарда тутади.

Албатта, Ўзбекистонда истиқомат қилувчи ветеранларга қўшимча имтиёзлар бериш анчагина сарф-харажатларни, ўн миллион сўмлаб маблағни талаб қилади. Бироқ биз ҳаммамиз улар олдида умрбод қарздормиз. Жумҳурият ҳукумати буни ҳис этиб, зарур маблағларни кидириб топди. Натижада 218.552 кишига қўшимча имтиёз бериладиган бўлинди. Булар — Улуғ Ватан урушининг 142.733 нафар қатнашчиси бўлиб, улар орасида 52.513 нафар ногирон бор. Булар — 55.389 нафар байналмилалчи жангчилар бўлиб, уларнинг 1.039 нафари ногирон. Шунингдек, ҳарбий бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг 20.430 оиласи ҳам шу қўшимча имтиёзлардан фойдалана олади. Улар орасида Афғонистонда ҳалок бўлганларнинг 1.407 оиласи бор.

— Фармонда қандай қўшимча имтиёзлар кўзда тутилган?

— Биринчидан, улар уй-жой шароитларини яхшилаш билан боғлиқдир. Шу йилнинг ўзидаёқ Улуғ Ватан уруши ногиронлари, келаси йилда эса уруш барча қатнашчилари ҳамда уларга тенглаштирилган шахслар уй-жой майдонлари билан таъминланади. Бундан ташқари, шу йил 1 июлдан бошлаб ўтган урушнинг барча иштирокчилари, байналмилалчи жангчилар ва ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг оилалари квартира ҳақи тўлашдан бутунлай озод қилиндилар.

Иккинчидан, уруш ногиронлари учун коммунал хизматларга ҳақ тўлашда белгиланган имтиёзлар эндиликда бизда урушнинг барча қатнашчилари ва байналмилалчи жангчиларга жорий этилади. Шунингдек, уруш қатнашчилари, агар истасалар, ҳозир ўзлари яшаётган давлат уйлари ва квартираларини хусусий мулкларига айлантиришлари мумкин. Қишлоқ жойларида истиқомат қилувчи ветеранларга жиддий имтиёзлар берилмоқда. Жумладан, уларнинг уй-жойлари маҳаллий бюджет ҳисобидан ремонт қилиб берилади ва қурилади.

1 июлдан бошлаб санаторийларда, пансионатларда, стационарларда даволанувчи ветеранларга ажратиладиган дори-дармонлар ва озиқ-овқат сарф-харажатлари нормаси ногиронлар госпиталлари учун кўзда тутилган нормаларга тенглаштирилди.

1991 йилда барча, жумладан, қишлоқларда яшовчи уруш қатнашчилари, байналмилалчи жангчилар ва ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар оилалари квартираларини телефонлаштириш режалаштирилган. Бунда улар шу йил 1 январгача ҳисобга олинган бўлишлари керак.

Фармонга биноан, уруш қатнашчиларига ва байналмилалчи жангчиларга сотиш учун қўшимча равишда 1.750 та енгил автомобил ажратишга, савдо-маиший хизмат кўрсатишни яхшилашга қарор қилинди.

Улуғ Ватан урушининг ишламаётган қатнашчилари бўлган пенсионерлар халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия комитетларидан қиймати 100 сўмгача қимматбаҳо совғалар олишди. Ишлаётган нафақахўрларга эса бевосита улар меҳнат қилаётган корхоналар ва ташкилотлар ҳисобидан шундай совға-саломлар берилди.

Ўзбекистон ССР Президенти Фармонида белгиланган қўшимча имтиёзлар мана шулардан иборат. Бизнинг фикримизча, улар Ўзбекистоннинг Ватанни ҳимоя қилган, ўзининг байналмилал бурчини адо этган кишилари моддий аҳволини бир мунча яхшилаш имконини беради.

— Фармон кучга кирган кундан бери бир ойдан кўп вақт ўтди. Фармон қандай бажарилмоқда?

— Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Фармоннинг бажарилишини таъминлаш учун қарор қабул қилди. Унда имтиёзлар бериш тартиби, маблағ билан таъминлаш манбаалари белгиланган. Биз ҳозирдаёқ бу қарор айрим халқ депутатлари маҳаллий Советлари ижроия комитетлари томонидан қандай бажарилаётганлигини текшириб чиқдик. Умуман олганда, иш ёмон кетаётгани йўқ. Фармоннинг ҳар бир банди бўйича амалда иш олиб борилмоқда. Баъзи бандлар эса деярли бажариб бўлинди. Масалан, уй-жойларга ва коммунал хизматларга ҳақ тўлаш, санаторийларда, касалхоналарда, пансионатларда ва бошқа даволаш муассасаларида уруш қатнашчиларига медицина хизмати кўрсатиш соҳасидаги имтиёзлар тўғрисида шундай дейиш мумкин.

Ҳозирдаёқ 771 киши ҳовли тўйи ўтказди. Уй-жой масаласи Қорақалпоғистон АССР ва Наманган вилоятида яхшироқ ҳал этилмоқда. Сурхондарё вилоятида эса уй-жойга муҳтож ветеранларни ҳатто шу пайтгача ҳисобга олишмаган. Вилоят раҳбарияти ҳозир бу нуқсонни бартараф этмоқда ва аҳвол яхшиланиб боряпти.

Шу йилнинг биринчи ярмида уруш қатнашчиларидан 1.501 кишининг, 885 нафар байналмилалчи жангчининг ҳамда ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар 143 оиласининг квартираларига телефон ўтказилди. Қишлоқ жойларида яшовчи 481 нафар уруш қатнашчисининг уйи телефонлаштирилди.

Ветеранларга савдо-маиший хизмат кўрсатиш соҳасида қуйидаги қўшимча имтиёзлар жорий этилмоқда. Булар — маҳсулотларни уйларга элтиб бериш, харидоргир молларга олдиндан буюртма қабул қилишдир. Биз талаб-эҳтиёжлар нима учун қондирилмаганлигини ҳамда таклиф ва мулоҳазаларни ҳисобга олувчи журналлар тутдик. Буюртмаларни қабул қилиш ва бериш устидан назоратни кучайтирдик. Бу йил ветеранларга хизмат кўрсатиш учун Тошкентда ва Нукусда бир нечта янги ашёвий моллар дўконлари очишни режалаштирганмиз. Нафақахўрлар учун ижтимоий жиҳатдан арзон нархларда кийим-кечаклар ишлаб чиқариш учун буюртмалар берилди.

— Шундай бўлса-да, маҳаллий матбуотда баъзи жойларда Фармоннинг бажарилишига етарли эътибор берилмаётганлиги ҳақидаги хабарлар пайдо бўлмоқда...

— Афсуски, уруш қатнашчилари, байналмилалчи жангчилар ва ҳалок бўлганларнинг оилалари эҳтиёжларига эътиборсизлик билан муносабатда бўлиш ҳоллари мавжуд. Масалан, ветеранларни квартира ҳақи тўлашдан озод қилишмаётганлиги, коммунал хизматларга ҳақ тўлашда муайян енгилликлар берилмаётганлиги тўғрисидаги шикоятлар анчагина олинмоқда. Булар асосан идораларнинг уйларида ва ётоқхоналарда яшаётган кишилардан тушмоқда. Айрим раҳбарлар имтиёзлар беришни орқага суриб келдилар. Улар бунда у ёки бу банд юзасидан тушунтириш ҳужжатлари йўқлигини баҳона қилмоқдалар. Афтидан, улар юқоридан «кўрсатма» олиш одатидан халос бўлмаганлар. Бу нарса, айниқса, Самарқанд ва Бухоро вилоятлари раҳбарларига тааллуқлидир. Мазкур вилоятларда 1 январгача уй-жой олиш учун 1.752 киши ҳисобда турган. Уй-жойларни фойдаланишга топшириш режалари эса ҳар хил сабабларга кўра, йилдан-йилга бажарилмай келинмоқда. Қандай бўлишидан қатъи назар, биз мазкур муаммони белгиланган муддатларда ҳал этмоғимиз лозим.

Шикоятлардан шуниси маълум бўлмоқдаки, ветеранларнинг ҳаммаси ҳам қимматбаҳо совғалар ва пул мукофоти олишди, деб бўлмайди. Қанчалик ғалати бўлмасин, улар орасида ҳарбий қисмларда ва муассасаларда ишловчи 254 нафар уруш қатнашчиси бор. Баъзи жойларда эса пуллар ва совғалар ажратилган-у, бироқ айрим мансабдор шахслар уларни топширишга, таъбир жоиз бўлса, тошбағирлик билан муносабатда бўлишган. Масалан, Фарғона вилоят ижроия комитетида ветеранларга пул жўнатмаларини почта орқали юборишган. Уларни кимлар ва нима сабабдан юборишаётганини ҳатто тушунтириб ҳам беришмаган.

— Бозор иқтисодиётига ўтилиши муносабати билан кам даромадли кишиларнинг ижтимоий аҳволи ёмонлашиши мумкин. Аксарият уруш ногиронлари ва ветеранлари шундай кишилардир. Жумҳурият ҳукумати бу соҳада қандай чора-тадбирлар кўриш ниятида?

— Афсуски, биз ҳозир ҳам ветеранларни қилган хизматларига яраша арзигулик барча зарур нарсалар билан тўла-тўкис таъминлаш қобилиятига эга эмасмиз. Бизнинг имкониятларимиз чегараланган. Одамлар буни тушунишади. Биз бошимиздан кечираётган иқтисодий қийинчиликлар, табиийки, ветеранлар аҳволига салбий таъсир қилиши мумкин. Ҳозирча аниқ-равшан тадбирларни айтиб бера олмайман. Улар эндигина ишлаб чиқилмоқда. Бироқ биз уларни кўмаксиз қолдирмаслик учун барча имкониятларни ишга соламиз. Жумҳуриятнинг иқтисодий аҳволи мустаҳкамланиб борган сари ветеранларга эътиборни кучайтираверамиз. Ҳукумат яқин йиллар ичида ҳаммаси яхшиланиб кетишига умид қилади ва амалда шундай бўлиши учун иш олиб боряпти.

Суҳбатни капитан А. ВЕКЛИЧ олиб борди.

(«Красная звезда», 1990 йил 15 август).

ФАРМОН КУЧГА КИРДИ

● Ҳозирги вақтда хорижда яшаётган бир қанча кишиларни СССР фуқаролигидан маҳрум қилиш тўғрисидаги СССР Олий Совети Президиумининг Фармонлари СССР Президентининг Фармони билан бекор қилинди.

ТАСС мухбири СССР Президенти ҳузуридаги матбуот котиби вазифасини бажарувчи В. И. КУЛИКОВдан ушбу Фармонни шарҳлаб беришни сўради.

— Валентин Иванович, Президентнинг Фармонида у 1966 йилдан 1988 йилгача бўлган даврда совет фуқаролигидан маҳрум этилган бир қатор кишиларга тааллуқли, деб айтилади. Сиз уларнинг неча киши эканлигини, баъзиларининг исми-шарифларини айта олмайсизми?

— Мазкур ҳужжат СССР Олий Совети Президиумининг 21 та Фармонини бекор қилади. Ижодкор ва илмий зиёлиларнинг 23 вакилининг СССР фуқаролиги тикланди. Улар орасида В. Я. Тарсис, В. Н. Чалидзе, А. И. Солженицин, О. Я. Рабин, В. Л. Корчной, В. П. Аксенов, Л. З. Копелев, В. Н. Войнович, Г. Н. Владимов, Ю. Ф. Орлов ва бошқалар бор.

— Фармон қачон кучга киради?

— У қўл қўйилган муддатдан бошлаб амал қилади. СССР Ташқи ишлар министрлигига мазкур Фармон дахл қилувчи кишилар эътиборига унинг мазмунини етказиш ҳамда ўша кишиларнинг хоҳишига биноан СССР фуқаролари паспортларини бериш топширилган.

— Улар ана шу паспортлар билан хоҳлаган вақтларида СССРга қайтишлари мумкинми?

— Албатта.

— Энди сўнгги савол: Президентнинг Фармони фуқаролиги тикланган кишиларнинг исм-фамилиялари зикр этилган тўла рўйхат билан бирга қачон ва қаерда эълон қилинади?

— Фармон билан шу ойнинг охирида «СССР халқ депутатлари съезди ва СССР Олий Советининг Ахборотномалари»нинг навбатдаги сонида танишиш мумкин.

ҲУЖЖАТЛАР ТЎПЛАМИ

«Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXVIII съезди материаллари» ҳужжатлар тўпламини босмадан чиқди. Тўпламга, жумладан, КПСС Марказий Комитетининг КПСС XXVIII съездига Сиёсий ҳисоботи ва партиянинг вазифалари, съезднинг «Инсонпарвар, демократик социализм сари» дастурий баёноти, КПСС янги дастурини тайёрлаш тўғрисидаги қарор кирган. Тўпламда Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Уставининг, «КПСС бюджети ва мулки тўғрисида», «Иқтисодий ислоҳотни ўтказиш ва бозор муносабатларига ўтишда КПСС сиёсати тўғрисида»ги резолюцияларнинг матнлари, шунингдек, бир қанча бошқа ҳужжатлар ҳам бор.

Китобчани Сиёсий адабиёт нашриёти босиб чиқарди.

УЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ СТАТИСТИКА КОМИТЕТИНИНГ АХБОРОТИ

Ўзбекистон ССР саноатининг 1990 йил январь—июль ойларидаги иш якунлари тўғрисида

Жумҳурият саноатида маҳсулот ишлаб чиқариш (иш бажариш, хизмат кўрсатиш) ҳажми 1990 йилнинг январь—июль ойларида ўтган йилнинг январь—июль ойларига нисбатан 3,7 фоиз кўпайди. Шу билан бир пайтда «Агрохим» давлат агрохимия уюшмаси, СССР Оғир машинасозлик министрлиги, СССР Автомобиль ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги министрлиги, «Ўзбекўрмон» ишлаб чиқариш бирлашмаси, Ўзбекистон ССР Сув хўжалиги қурилиши давлат комитети, Ўзбекистон ССР Қурилиш ва ёғочни қайта ишлаш саноати Бош бошқармаси, Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлиги корхоналарида ва бошқа корхоналарда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг камайиб кетишига йўл қўйилди. Маҳсулот етказиб бериш шартнома мажбуриятлари 98,8 фоиз (1989 йил январь—июль ойларида — 98,9 фоиз) бажарилди. Бирлашмалар ва корхоналарнинг 19 фоизи давлат буюртмаси ва истеъмолчилар билан бевосита алоқалар бўйича белгиланган шартнома мажбуриятлари бажарилишини таъминламади. Истеъмолчилардан қарз январь—июль ойларида 136,8 миллион сўмни ташкил этди.

Металлургия корхоналарида (19,4 миллион сўмлик маҳсулот етказиб берилмади, шартнома мажбуриятлари 97,1 фоиз бажарилди) ва деҳқончилик-саноат комплекси корхоналарида (15,8 миллион сўмлик маҳсулот етказиб берилмади, шартнома мажбуриятлари 99,6 фоиз бажарилди) ўтган йилнинг шу даврига нисбатан истеъмолчиларга етказиб берилмаган маҳсулот ҳажми анча кўпайди, маҳсулот етказиб бериш юзасидан шартнома мажбуриятларини бажариш даражаси пасайди.

Қорақалпоғистон АССР (98,6 фоиз), Андижон (96,1 фоиз), Самарқанд (98,5 фоиз), Тошкент (98,4 фоиз) вилоятларидаги корхоналарда маҳсулот етказиб бериш шартнома мажбуриятларини бажариш даражаси умуман жумҳуриятдаги даражадан паст бўлди.

Саноат маҳсулоти энг муҳим турларининг ҳар беш хилидан икки хилини ишлаб чиқаришда топшириқлар бажарилмади ва ишлаб чиқариш ҳажми 1989 йил январь—июль ойларида эришилган даражадан пасайиб кетди.

Ўзбекистон ССР, Қорақалпоғистон АССР, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича саноатнинг иши ҳақидаги маълумотлар қуйида келтирилади (фоиз):

	маҳсулот етказиб бериш шартнома мажбуриятларининг бажарилиши	истеъмолчиларга етказиб берилмаган маҳсулот, миллион сўмлик	шартнома мажбуриятини бажармаган корхоналар улуши	маҳсулот (иш, хизмат) ҳажми ўсишининг амалдаги суръати
Ўзбекистон ССР	98,8	136,8	19	3,7
шу жумладан:				
Қорақалпоғистон АССР	98,6	4,6	18	5,2
Андижон вилояти	96,1	31,9	23	13,2
Бухоро вилояти	99,6	3,5	15	5,5
Жиззах вилояти	99,6	1,1	9	8,0
Қашқадарё вилояти	99,9	1,0	8	3,0
Наманган вилояти	99,3	4,9	12	4,6
Самарқанд вилояти	98,5	15,8	23	4,4
Сурхондарё вилояти	99,5	1,6	13	8,9
Сирдарё вилояти	99,8	0,6	5	11,0
Тошкент вилояти	98,4	33,3	23	2,0
Фарғона вилояти	99,3	10,0	22	1,2
Хоразм вилояти	99,8	0,8	7	1,9
Тошкент шаҳри	99,0	25,4	24	1,4

Январь—июль ойларида спиртли ичимликларни ва мевасабзавот маҳсулотлари бозор фондини ҳамда тухум маҳсулотларини қўшиб ҳисоблаганда чакана нархларда 7,9 миллиард сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилди, бу эса 1989 йил январь—июль ойларига нисбатан 519,8 миллион сўмлик ёки 7 фоиз кўпдир.

Ана шу ўсишнинг деярли учдан бир қисми спиртли ичимликлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш (146,9 миллион сўмлик) ҳисобига олинди.

Корхоналар ҳам умуман, ҳам товарларнинг айрим гуруҳлари юзасидан халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш соҳасида олган планларининг бажарилиши таъминланди.

1990 йил январь—июль ойларида халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш маълумотлари (чакана нархларда, миллион сўмлик):

	амалда ишлаб чиқарилгани	корхоналар қабул қилган планнинг бажарилиши, фоиз	1990 йил январь-июлида 1989 йил январь-июлига нисбатан, фоиз
Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш (бозор фонди ҳам шунга киради)	7895	102,6	107,0
шу жумладан:			
Озиқ-овқат маҳсулотлари	2785	103,1	100,6
Спиртли ичимликлар	1050	102,9	116,3
Ашёвий моллар	4060	102,2	109,6
шу жумладан,			
Енгил саноат моллари	2624	100,7	105,5
Ашёвий молларга давлат буюртмаси	1322	105,4	118,9

Корхоналар қабул қилган халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш планлари етти ой давомида 2,6 фоиз ошириб бажарилди, бироқ уларнинг тасдиқланган пландан анча орқада қолаётганлиги йил давомида режалаштирилган ўсиш суръатини таъминламайди: пландаги 10,1 фоиз ўрнига ишлаб чиқариш 7,0 фоиз кўпайди.

Енгил саноат моллари ўтган йилнинг январь—июль ойларига нисбатан 136,7 миллион сўмлик кўп ишлаб чиқарилди. Шу билан бир вақтда ип газлама (91,8 фоиз) ва жун газлама (98,4 фоиз), пайпоқлар (99,0 фоиз), трикотаж маҳсулотлар (98,9 фоиз) ишлаб чиқариш топшириқлари бажарилмади. Сариёғ, консервалар, ёрма, ўсимлик ёғи, шампань виноси, коньяк ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш ўтган йилнинг шу даврига нисбатан камайди.

Ижара муносабатлари шароитида ишлаётган 36 корхонада ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг ўсиши 1,6 фоизни ташкил этди, саноат маҳсулотлари умумий ҳажмида ушбу корхоналарнинг маҳсулоти улуши 2,5 фоизни ташкил этди.

Ана шу корхоналар маҳсулот етказиб бериш шартнома мажбуриятларини 98,8 фоиз бажардилар, истеъмолчиларга 4,0 миллион сўмлик маҳсулот етказиб берилмай қолди.

1990 йил январь-июнь ойларида жумҳурият саноати барча ходимларининг ўртача ойлик иш ҳақи 230,8 сўмни ташкил этди, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 6,6 фоиз кўпдир. Шу жумладан, саноатдаги ишлаб чиқаришда ходимлари ойлик ўртача иш ҳақи 240,6 сўмни ташкил этди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 6,3 фоиз кўп. Ана шу даврда меҳнат унумдорлиги эса атиги 2,1 фоиз ошди.

1990 йил январь-июль ойларида халқ хўжалиги комплексларининг фаолиятини қуйидаги маълумотлардан билиш мумкин (фоиз):

	маҳсулот етказиб бериш шартнома мажбуриятларининг бажарилиши	истеъмолчиларга етказиб берилмаган маҳсулот, миллион сўмлик	шартнома мажбуриятини бажармаган ишлаб чиқариш бирлашмалари ва корхоналар улуши	маҳсулот (иш, хизмат) ҳажми ўсишининг амалдаги суръати
Ёқилғи-энергетика комплекси	99,9	0,3	19	4,9
Металлургия комплекси	97,1	19,4	67	—1,4
Машинасозлик комплекси	99,1	7,3	24	—2,4
Химия-ўрмон комплекси	98,6	17,0	34	2,9
Деҳқончилик-саноат комплекси	99,6	15,8	14	6,0
* * *				
Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлиги	97,9	49,5	31	3,1
Ўзбекистон ССР Маҳаллий саноат министрлиги	100,0	—	—	8,3
Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлиги	95,0	4,2	50	—3,8
Ўзбекистон ССР Бинокорлик материаллари саноати министрлиги	98,0	6,0	30	4,7

Ёқилғи-энергетика комплексида кўмир, нефть ва газ қазиб чиқариш топшириқларининг бажарилиши таъминланди. Шу билан бир вақтда газ қазиб чиқариш 1989 йил январь-июль ойларига нисбатан 0,4 фоиз камайди.

Металлургия комплекси корхоналарида маҳсулот етказиб бериш юзасидан истеъмолчилардан қарздорлик январь-июнь ойларидагига нисбатан кўпайди ва 19,4 миллион сўмликка етди. Пўлат ва прокат ишлаб чиқариш топшириқлари бажарилмади.

Машинасозлик комплексида машина ва ускуналарнинг бир қанча турларини ишлаб чиқариш ҳажми кўпайди. Белгиланган топшириқларга мувофиқ равишда енгил саноат учун технологик машина-ускуналар, тракторлар, трактор прицеплари ва бошқа машиналар ишлаб чиқарилди.

Шу билан бир вақтда электр моторлар, дизеллар, лифтлар, трактор культиваторлари, пахта териш машиналари ишлаб чиқариш топшириқларининг бажарилиши таъминланмади, бундай маҳсулотларни ишлаб чиқариш камайиб кетди.

СССР Оғир машинасозлик министрлигига қарашли корхоналар 3,4 миллион сўмлик, СССР Электр техника саноати ва приборсозлик министрлигига қарашли корхоналар 2,0 миллион сўмлик маҳсулотни кам етказиб бериб, маҳсулот етказиб бериш юзасидан шартнома мажбуриятларини бажаришда энг кўп қолоқликка йўл қўйдилар.

Химия-ўрмон комплекси корхоналари химиявий толалар ва қоғоз ишлаб чиқариш топшириқларини бажарди. Шу билан бир вақтда синтетик аммиак, олтингугурт кислотаси, минерал ўғитлар, резина пойабзал ва бошқа маҳсулотларни ишлаб чиқариш планлари бажарилмади.

Маҳсулот етказиб бериш шартнома мажбуриятларини бажаришда СССР Нефть химияси саноати министрлиги корхоналарида (7,2 миллион сўмлик) ва «Агрохим» давлат агрохимия уюшмаси корхоналарида (7,6 миллион сўмлик) катта қолоқликка йўл қўйилди.

Қурилиш индустрияси корхоналари иморатбоп ғишт, йирма темир-бетон, сирланган сопол плиталарни режалаштирилган ҳажмда ишлаб чиқаришини таъминламаётирлар.

Ўзбекистон ССР Бинокорлик материаллари саноати министрлиги корхоналари январь-июль ойларида истеъмолчилардан 6,0 миллион сўмлик қарздор бўлиб қолдилар. Ҳар уч корхонадан бири мажбурият бажарилишини барбод қилди.

Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлигига қарашли ҳар икки корхонанинг бири истеъмолчилар олдидаги мажбуриятларини бажармаяпти. Умуман министрлик бўйича январь-июль ойларида 4,2 миллион сўмлик маҳсулот кам етказиб берилди, етказиб берилмаган маҳсулот ҳажмининг ярмидан кўпроғи 160-трестнинг Чирчиқдаги бинокорлик материаллари комбинати, Фарғонадаги 4-ёғочни қайта ишлаш заводи ва «Ўзстройконструкция» ишлаб чиқариш бирлашмасига тўғри келади.

КАСАБА УЮШМАЛАРИНИНГ АНЖУМАНЛАРИ

Тошкентда Ўзбекистон Энергетика ва электротехника саноати ходимлари касаба уюшмаси съезди ўз ишини тамомлади. Съезд делегатлари тармоқ касаба уюшмасининг программаси ва уставини қабул қилдилар. Шу йилнинг кузида бўладиган съездларда таъсис этиш кўзда тутилган Ўзбекистон ва мамлакат касаба уюшмалари федерациясига ихтиёрий равишда кўшилиш тўғрисидаги масалаларни муҳокама қилдилар.

Энергетика ва электротехника саноати ходимлари касаба уюшмаси марказий комитети раислигига Х. С. Саматов сайланди.

Съездда СССР Электростанциялари ишчилари касаба уюшмаси марказий комитетининг раиси Н. П. Симочатов нутқ сўзлади. **(ЎзТАГ).**

* * *

Жиззахда касаба уюшмаларининг қўшма вилоят конференцияси тугади. Унинг қатнашчилари касаба уюшмалари ишини қайта қуриш: касаба уюшмаларининг ҳимоя қилиш вазифаларини кучайтириш, ижтимоий сиёсатни қатъий ва изчиллик билан ўтказиш муаммоларини муҳокама қилдилар.

Ўзбекистон ва СССР касаба уюшмалари съездларига делегатлар сайланди.

Конференцияда Ўзбекистон Касаба уюшмалари жумҳурият кенгашининг раиси Б. А. Алламуродов нутқ сўзлади. **(ЎзТАГ).**

ЖАБРДИЙДАЛАРГА ЁРДАМ

Ўзбекистон Қизил ярим ой жамияти вилоят ижроия комитетлари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Кенгаши, Тошкент шаҳар ижроия комитети, жумҳурият министрликлари ва идоралари билан ҳамжиҳатликда Эронда рўй берган қаттиқ зилзила муносабати билан Эрон ислом жумҳурияти халқига ёрдам бериш мақсадида пул ҳамда энг зарур ашёларни йиғиш юзасидан катта иш қилди.

Эронга Аэрофлот самолётида икки юз минг сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари, кўрпа-тўшаклар, дори-дармонлар, чодирлар юборилди. Ташқи иқтисодий банкининг Эрон элчихонаси эълон қилган ҳисоб дафтарчасига 350 минг сўм ўтказилди, бу пулларнинг 230 минг сўми Ўзбекистон Қизил ярим ой жамияти марказий комитети орқали юборилди.

Табиий офатдан жабрланганларга ёрдам кўрсатишда Андижон, Жиззах, Самарқанд вилоятлари, Ўзбекистон граждан авиацияснинг бошқармаси, Ўрта Осиё темир йўли бошқармаси, Ўзбекбирлашув, жумҳурият Савдо ва Соғлиқни сақлаш министрликлари, Давлат сув хўжалиги қурилиши комитети катта ҳисса қўшдилар. (ЎзТАГ).

ҲАМЖИҲАТЛИК БИЛАН


Анваржон Маллабоев ҳақида икки оғиз сўз: Олтиариқ нефтни қайта ишлаш заводига етуклик аттестатини олгандан кейин келганди. Аввалига операторга ёрдамчи бўлиб ишлади. Сўнгра Қўқон нефть техникумини битирди. Назарий билимларини амалиётга қўллади. Бора-бора ўз ишининг устасига айланди. Ҳозир АТ-2 маркали қурилмаларни бошқармоқда.

Ишлаб чиқаришда илғор бўлиши билан бирга,жамоат ишларида ҳам фаол. Шу туфайли ҳамкасблари ҳурматига сазовор. Утган даврда Олтиариқ район коммунистлари унга катта ишонч билдириб, КПСС XXVIII съездига делегат қилиб сайлашди.

Анваржон Москвадан, КПСС XXVIII съездидан бир олам таассуротлар билан қайтди. Заводга келиши биланоқ жамоа ўртасида съезд қарорларини кенг тушунтириш ва тарғиб қилишга киришди. Кўпчиликка съезддаги баҳс-мунозаралар, бунда жумҳуриятимиз вакиллари қай тарзда иштирок этганлигини айтиб берди.

СУРАТДА: КПСС XXVIII съезди делегати А. МАЛЛАБОЕВ ўз ҳамкасби М. Йўлдошев билан.

Ш. АЛИМОВ (ЎзТАГ) суратга олган.



• *Ветеран мулоҳазаси*

Ишончим комил

Ҳозир мамлакатимиз мураккаб даврни бошидан кечирмоқда. Ўтмишда иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий ҳаётда юз берган чалкашликлар партиямизнинг XXVIII съездида ҳам алоҳида таъкидланди. Катта анжуманнинг ошкоралик, демократия ва ўз-ўзини танқид руҳида ўтиши партиянинг янгиланиш сари дадил қадамлар ташлаётганлигидан далолатдир.

Мен кўп йиллик партия аъзосиман. Яқинда Яккабоғ район партия комитетига чақиришиб, менга «КПСС сафида 50 йил» нишонини топширишди. Буни узоқ йиллар давомида партия, совет ташкилотларида меҳнат қилганлигим самараси, деб биламан.

Аммо шуни яхши эслайманки, ўтмишда бундай баҳс-мунозарали, тортишувли, кескин танқид ва ошкора съезд ўтмаган. Мазкур съездда нотиқлар маълум даврда партиянинг обрўйига путур етганлигини ҳам тилга олишди. Бу гапга қисман қўшиламан, аслида партиянинг обрўйига унинг марказидан зил кетганлигини айтмоқчиман. 70-, 80-йилларда халқ билан партия ўртасида айрим жойларда девор пайдо бўлганлиги, кўп нарсалар халқдан яширилганлиги эндн сир эмас. Жумҳуриятимизнинг собиқ раҳбарлари Иттифоқ раҳбариятига яхши кўриниш мақсадида халқнинг моддий ва маънавий аҳволини бўяб кўрсатдилар. КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил апрель Пленуми халқ билан партия ўртасидаги деворни олиб ташлади. Ошкоралик ва демократия партиядаги қайта қуришнинг самараси бўлди, деб ҳисоблайман.

Ҳар бир партия ходими — у обком секретарими ёки райком секретарими, ким бўлишидан қатъи назар, халқ орасида бўлмоғи, яъни одамларнинг яхши кунига ҳам, ёмон кунига ҳам ярамоғи лозим. Шундагина одамлар партияни қўллаб-қувватлайди, унга эргашади. Бинобарин, турли хил фикрлашга кенг имкониятлар очилганлиги туфайли баъзан таҳликали ҳолатлар юзага келяпти. Айрим раҳбарларнинг узоқ йиллар давомида нотўғри сиёсат юргизганлиги оқибатида буюк инқилоб ғалабасини таъминлаган Коммунистик партияга нисбатан одамларда ишончсизлик пайдо бўлганди.

Партия съезди даврнинг ғоят мураккаблигини ҳисобга олиб бир қатор муҳим қарорлар қабул қилди. Улар мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий вазиятни барқарорлаштиришга, уни таназзулдан олиб чиқишга, партия обрўсини тиклашга ёрдам қилади. Биз йўл қўйилган хатолар учун фақат партиягина айбдор эмаслигини, у жамиятдаги иллатларни тузатишга қатъий киришганлигини, ўз турмушида ҳам янгиланишларни амалга ошираётганлигини халққа тўғри тушунтиришимиз лозим. Ишончим комилки, Коммунистик партия авангардлик ролини қўлдан бермайди.

Қ. БОЗОРОВ,
партия ва Улуғ Ватан уруши ветерани. Яккабоғ райони.

Хирмонга барака



ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ. Пахтакор районидаги «Самарқанд» совхозининг Рўзиқул Маҳмудов бошлиқ бригадаси далаларида маккажўхори ўрими бошланди. Айниқса, Омон Дастуров етакчилик қилаётган звено аъзолари ўримини уюшқоқлик билан олиб бормоқдалар. Звено аъзолари 58 гектар майдоннинг ҳар гектиридан режадаги 42 центнер ўрнига 60 центнердан дон, 300 центнердан кўк масса йиғиштириб олиш йўлида астойдил меҳнат қилмоқдалар.

Айни кунлардаги меҳнат шижоати бу марра албатта эгалланишидан далолат бериб турибди.

Суратларда:(юқорида) бригада бошлиғи Рўзиқул Маҳмудов, звено бошлиғи Омон Дастуров, комбайнчи Илёс Карибоев ҳамда маккажўхори ўрими тасвирланган.

У. ҚУШВОҚОВ олган суратлар.

ПЕШОНА ТЕРИ ЭВАЗИГА

Лавҳа

Сўнгги йилларда бу хўжалик чинакамига тажриба масканига айланиб қолди. Нафақат Сурхон воҳасидан, балки жумҳуриятимизнинг турли бурчакларидан, ҳатто қўшни юртлардан бот-бот меҳмонлар келишади. Чўлда боғ-роғлар, узумзорлар барпо этиш сир-синоатларини ўрганишади. Дунёнинг турли минтақаларида ўсадиган дарахтлардан бунёд этилган 35 гектарлик беқасам янглиғ яшил боғ — дендропаркни катта иштиёқ билан томоша қилишади.

Яқинда ҳам худди шундай бўлди. Қўшни Тожикистондан бир гуруҳ ёш соҳибкорлар ташриф буюришиб, совхозда амалга оширилаётган ибратли ишларни ўз кўзлари билан кўришди. Чўл шароитида мева ва узумдан, субтропик дарахтлардан мўл ҳосил етиштириш агротехникаси билан яқиндан танишишди.

Меҳмонлардан бири ҳайратланганлигини яширмай, унга мурожаат қилди:

— Ако, бу жойлар аввалари ростдан ҳам чўл бўлганми?

Қултўра ака нигоҳини узоқларга, шиғил-шиғил ҳосилга кирган шукуҳли боғларга қадаб, бир дақиқа сукут сақлади-да, меҳмонга юзланди.

— Ҳа, ука, чўл бўлган. Чўл бўлганда ҳам бийдек чўл бўлган. Одамларимизнинг пешона тери, меҳнатларининг зўри эвазига мана шу мевазорлар барпо этилди. Очиғи, аввалларроса қийналдик. Қумга ташланган баликдек титраган пайтларимиз кўп бўлди. Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг иш бошлаган йилимиз чанқовбостига гоҳида машина радиатори сувини тинитиб ичганмиз. Ҳа, шундай... яна айтадиган бўлсам...

Бундан 20 йил муқаддам Бандихон даштида ташкил топган ушбу хўжалик, мана бугун Шредер номли боғдорчилик, узумчилик илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг таянч нуқтасига айланди. Бу хайрли ишга бирлашманинг бош директори, жумҳуриятимизнинг атоқли боғбони Маҳмуд Мирзаев, қишлоқ хўжалик фанлари доктори Олег Петрович Кульков, ҳикоямиз қаҳрамони Қултўра Қўзимуродов бошлиқ чўлқувар соҳибкорлар бош-қош бўлишди. Хўжалик бешигини тебратган Алибой Алимқулов, Давлат Жумаев, Равшан Раҳмонов, Александр Тебякин сингари ветеранлар хизмати ҳам алоҳида таҳсинга сазовор.

Бугунга келиб совхозда ҳосил берадиган токзорлар майдони 370 гектар ошди. 280 гектар ерда мевазорлар мавжуд. Дендропаркда жаҳоннинг турли бурчакларида ўсадиган дарахтларнинг 2 мингга яқин навини учратиш мумкин. Лимонарий неъматларидан ҳамма баҳраманд.

Эришилаётган ютуқларни тасаввур қилишингиз учун мана бу рақамларга эътиборингизни жалб этмоқчимиз. Ҳар йили давлатга ўрта ҳисобда 1 минг 200 тонна узум, 650 тонна мева ва кўплаб сабзавот, полиз маҳсулотлари етказиб бериляпти, таннархи арзонлашиб боряпти. Хурмо, уноби, беҳи, бодом сингари тансиқ мевалар кўпайтирилмоқда. Олинаётган соф фойда эса бир ярим миллион сўмдан ошса ошяптики, кам бўлаётгани йўқ. Рентабеллик 60—75 фоизни ташкил этмоқда.

Қултўра ака суҳбат асносида шу йилнинг ўзида бажарилган ишлар ва режаларга тўхталди.

— Хўжалигимиз боғбонлари ушбу йилда анча ишларни амалга оширдилар, — дейди у. — 15 гектар майдонда боғ ташкил қилдик. Уни «Дўстлик боғи» деб атадик. Бу боғ баҳор ойларида ҳосилга киради. «Зариф» навли эрта пишар узумзорларни кенгайтирдик. Боғларни янги ўзлаштирилган ерлардан барпо этяпмиз. Булардан ташқари, 50 оилага томорқа участкаси ажратиб бердик. Улар ҳам янги участкаларда экин экиб, иморат қуришяпти. Бу ҳам мўл-кўлчилик ишига ҳиссасини қўшади, деган умиддамиз.

Совхоз маъмурияти боғбон, соҳибкорларнинг турмуш шароитини яхшилашга алоҳида ғамхўрлик қиляпти. Ҳозир ҳудудимизда бир нечта магазин, болалар боғчалари ишлаб турибди. 650 ўринли ўрта мактаб бор. Маиший хизмат кўрсатиш комбинати ишчилар хизматида. Хўжалигимиз ичимлик суви билан таъминланган, яқин кунларда хонадонларга газ келтирилади.

Хўжалик Шредер номли бирлашманинг филиали эмасми, илмий йўналишдаги юмушлар ҳам кенг кўламда олиб борилмоқда, турли мевали ва субтропик дарахтлар чўл шароитига мослаштириляпти. Улардан мўл ҳосил етиштириш тажрибаси оммалаштирилмоқда. Бу ерда биргина анорнинг 25 нави синаб кўриляпти. Хурмо, нок, беҳи каби дарахтларни парваришлашнинг илғор агротехникаси яратилмоқда.

Совхоз турли мевали кўчатлар етиштириш борасида ҳам ибратли йўл тутмоқда. Бу ерда тайёрланаётган кўчатлардан жумҳуриятимиз боғбон ва соҳибкорлари ҳам баҳраманд бўлишмоқда. Хўжалик раҳбари Қултўра Қўзимуродов амалиётда ҳам, илмий изланишларда ҳам ибрат намуналарини кўрсатяпти. 1982 йилда чўл шароитида анор ҳосилдорлигини оширишга оид мавзуда диссертация ёқлаб, қишлоқ хўжалик фанлари номзоди бўлган эди. Сир эмас, айрим диссертацияларнинг на фанга ва на амалиётга нафи тегади. Ёқланади-ю, «ҳужурини» архив кўради. Қултўра аканинг илмий иши эса кўп йиллик тажрибага асосланган. Шунга кўра, нўҳот ва беда оралиқ экин сифатида анор қатор ораларида ўстирилганда мева таркибида кислота камайиб, ширинлик миқдори 16—17 фоизга ошяпти. Пўстлоғининг ёрилиши барҳам топмоқда.

Булардан ташқари, Қултўра аканинг бевосита иштироки ва раҳбарлигида анорнинг уруғсиз саккизта нави чўл шароитига мослаштирилди. Узумнинг «Сурхон китоби», «Зариф» навлари кўпайтирилди. Булар аймоқдошларидан тубдан фарқ қилиб, 20—25 кун олдин пишади. Серҳосил ва ширали. Совхознинг суптропик дарахтларни синаб кўриш ва ишлаб чиқаришга тавсия этиш лабораториясидаги илмий изланишлар ҳам ижобий натижалар бермоқда.

Хўжалик ижара пудрати асосида ишламоқда. Бу усул боғбон ва соҳибкорларда ерга эгалик туйғусини мустаҳкамлашга, меҳнат унумдорлигини оширишга, пировард натижада мўл ва арзон ҳосил етиштиришга хизмат қилмоқда. А...инқул Абдушукуров, Бойназар Алимардонов, Азима Равшанова, Ҳуррам Рўзиев, Норбой Абдураҳмонов, Гулхан Эшқобуловалар бошлиқ юқори ҳосилли бўлим ва бригадаларда ижара имкониятлари тўла намоён бўляпти. Мазкур жамоаларда бу йил ҳам ишнинг кетиши кўнгилдагидек.

Тадбиркор раҳбар ҳамон тиниб-тинчимайди. Ҳаловат нималигини билмайди. Уззукун қадрдон даласини, боғ-роғларни айлангани-айлаган...

О. ТИЛОВБЕРДИЕВ.

Хўжаликни янгича юритиш сабоқлари

ХАРИДОР БАҲОСИ— ХОЛИС БАҲО

Тошкентдаги «Чевар» тикувчилик бирлашмасида қизиқ воқеанинг — тикувчилар ўзлари ишлаб чиқараётган маҳсулотлар сифати ҳақида баҳслашаётганларининг устидан чиқиб қолдик.

— Қарийб 20 йилдан бери шу ерда ишлаяпман, — дейди 1-цехнинг тажрибали тикувчиси Манзура Содиқова. — Ўтган даврда қанчадан-қанча кўйлаклар тикмадим. Қўча-кўйда хотин-қизларимиз, болаларимиз биз тиккан кийим-кечакларда юрганини кўрганимда қувонаман. Лекин кейинги пайтда маҳаллий саноат, жумладан, бизнинг фабрикамиз ишлаб чиқарган маҳсулотларни кишиларимиз эгнида онда-сондагина кўраётирман. Кўпчилик хорижий кийим-кечакни афзал кўряпти. Хўш, нега бундай бўлиб қолди?

Нархи осмонда бўлса-да, нега хорижий буюмларни харид қиляпмиз? Шулар хусусида ўйлаб, бир хулосага келдим: эндиликда эскичасига ишлаб бўлмайди. Харидорни ўзимизга қаратмоқчи бўлсак, маҳсулотларимизни замондошларимиз дидига мос, бежирим, пишиқ-пухта, сифатли қилиб тикишимиз, бунда кўпроқ миллий ўзига хосликка эътибор беришимиз керак.

— Фикрингизга юз фоиз қўшиламан, — дейди ёш тикувчи Ҳадича Умарова. — Лекин сиз юқорида айтгандай қилиб маҳсулот тайёрлашимиз учун ишлаб чиқариш шароитларини тубдан яхшилашимиз, фан-техника ютуқларидан кенгроқ фойдаланишимиз лозим. Ўзингиз ўйлаб кўринг, бундан 15-20 йил илгари ўрнатилган ускуналар билан яхши кўйлак тикиб бўладими, ахир?

Суҳбат давомида тикувчилар ишга муносабатни ўзгартириш, маҳсулот сифатини яхшилаш тўғрисидаги турли хил фикрлар билдиришди. Бирлашманинг иқтисодий муаммоларидан тортиб, ижтимоий масалаларигача гапиришди. Ниҳоят, бир қарорга келишди: жамоадаги аҳволни тубдан ўзгартириш керак. Ҳар бир ишчи ўз дастгоҳининг тўхтовсиз ишлашига, ўзи ишлаб чиқарган маҳсулот сифатига жавобгар бўлсин. Бажарилган ишнинг пировард натижасига қараб ҳақ тўлансин. Бирлашма маъмурияти тикувчиларга етарли шароитлар яратиб берсин.

Хуллас, ошкора гаплашиб олингандан кейин ҳамма яхши ниятлар билан ўз тикув дастгоҳлари ёнига қайтди. Биринчи цехда ҳам, иккинчи цехда ҳам иш қизиганданқизиди. Дастгоҳларнинг шовқини тунгача тинмади. Негаки, бу ерда иш икки сменада олиб борилади.

Мураббийлик фаолияти қандай олиб борилаётганлиги билан қизиқдик. 2-цех бошлиғи Маъмура Акрамхўжаева бу ҳақда шундай деди:

— Билмаганини ўргатяпмиз. Ўзингизга маълум, бизнинг оилаларимизда қўлига игна ушламаган, тикувчиликни билмайдиганлари кам. Кўпчилик қизларимиз оналаридан ҳунар ўрганиб келишган. Ахир, аксарияти маҳаллада улғайган қизларда!

Дарҳақиқат, Марғуба Салимова, Зарифа Раҳимова, Доно Тиллабоева, Шаҳло Турсунова сингари чеварлар кечагина фабрика эшигидан кириб келишган бўлсаям бугунги кунда ташаббускорлиги, ўз касбига бўлган меҳр-муҳаббати туфайли коллектив ҳурматига сазовор. Бу илғорлар айни пайтда келгуси ой ҳисобига меҳнат қилишяпти. Уларнинг ҳар бири смена нормаларини 1,5 — 2 ҳисса бажаришмоқда. Илғор тикувчилар ҳамжиҳатлик билан қилган меҳнатлари натижасида цех иккинчи квартал планини ошириб уддалади.

Умуман, бирлашманинг қатор цехларида бўлганимизда ишлар кўнгилдагидай олиб борилаётганини кўриб қувондик. Жумладан, корхонада техника новаторларига кенг йўл бериляпти. Ўтган даврда 5 та рационализаторлик таклифи ишлаб чиқаришга жорий қилинди. Бундан 3,9 минг сўмлик иқтисодий самара кўрилди. Чиқиндилардан фойдаланиш ҳисобига эса 652 минг сўмлик кенг истеъмол моллари ишлаб чиқарилди. Лекин корхонада иш унумига ва сифатига халақит бераётган муаммолар ҳам анчагина эканлигининг гувоҳи бўлдик. Бирлашма бош муҳандиси Салима Содиқова йиғилиб қолган муаммолар ҳақида куюниб гапириб берди.

— Аввало, бизга келтирилаётган хом ашёнинг сифати жуда паст, — деди у. — Боз устига, Тошкент тўқимачилик комбинати, Бухоро, Андижон ип газлама комбинатлари хом ашёни ўз вақтида етказиб бера олмаяптилар. Бундай масъулиятсизлик туфайли улар ўтган йили 41 минг 300 сўм жарима тўлашга мажбур бўлишди. Очиғи, Иваново, Бендерадаги корхоналардан келтирилаётган ип газламаларнинг сифатли эканлигини кўриб, ўйлаб қоласан киши. Ахир, ўзимиздаги корхоналар учун ҳам, РСФСРдаги корхоналар учун ҳам хом ашё сифатида пахта толасини жумҳуриятимиз етказиб беради-ку! Наҳотки, ўзимизда пишиқ-пухта, сифатли газлама ишлаб чиқаришнинг иложи бўлмаса?

Шу ўринда яна бир мулоҳазамни айтмоқчиман. Бирлашмамиз учун зарур хом ашёлардан бири — ипак газламани Россиядан келтиряпмиз. Ваҳолонки, жумҳуриятимизда ипак газлама ишлаб чиқарувчи корхоналар жуда кўп. Ёнгинамизда хом ашё бўла туриб, уни узоқдан олиб келиб, ортиқча сарф-харажат қилишга на ҳожат.

Менимча, жумҳуриятимиз манфаатларига зид келувчи бундай хўжалик юритиш фаолиятидан воз кечиш пайти келди. Бу нарса яқинда бўлиб ўтган Ўзбекистон ССР халқ депутатларининг иккинчи сессиясида ҳам таъкидланди. Эндиликда хом ашё ресурсларидан оқилона фойдаланмоғимиз, ўзимизда қайта ишлаш корхоналари қуришни кенгайтирмоғимиз лозим.

Бирлашмада 1200 та тикув машинаси бўлса, шундан 40 фоизи анча эскирган. Тўғри, ГФРдан келтирилган «Джуки» маркали янги ускуналар яхши. Қулай бу машинада турли хил бичиқдаги кўйлакларни тикиш мумкин. Лекин мазкур дастгоҳларга бўлган эҳтиёжимизни мутасадди ташкилотлар қондира олишмаяпти. Натижада муаммони ўзимиз имконият ва резервларни қидирган ҳолда ҳал қилишга ҳаракат қиляпмиз. Ҳозир эски тикув машиналарида янги, замонавий кўйлаклар ишлаб чиқаришга мослаштирилган ускуналарни ўрнатувчи махсус группа тузганмиз. Бу соҳадаги ишларда Хабаровск мутахассислари бизга яқиндан ёрдам беришяпти.

Умуман, корхона муаммоларини ҳал қилиш имкониятлари анчагина. Бирлашма раҳбарлари бу йўналишда бир қанча тадбирлар белгилаб чиқишган. Тикувчилар ҳамжиҳатлик тарафдори. Айни кунларда улар хўжалик юритишнинг янги усулларини жорий қилиб, харидорларнинг талаб ва эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш чораларини кўришяпти.

У. УРОЗОВ.

Тил ҳақидаги Қонун—амалда

МЕНИНГ ФИКРИМЧА

Бозор иқтисодиёти, бозор муносабати деган сўзларни ҳар куни бир неча бор эшитишга тўғри келади. Шу ўринда «бозор» дейиш ўринлимикин? Русларда базар ва рынок сўзлар бор, биз эса ҳар иккаласини ҳам бозор деяверамиз.

Рынок сўзининг икки-уч маъноси бор: биринчиси ўша бозор, чайқов, «бор-барака» қилинадиган жой, иккинчиси — товар муомаласи амалга ошириладиган талаб ва таклиф ҳукм сурадиган соҳа (сфера) коммерция маъносидир.

Шарқда товар муомаласи қадимдан амал қилган, демак, шу жараённи ифодалайдиган термин ҳам бўлган, бу—тижоратдир.

Бу сўз арабча бўлса ҳам кенг истеъмолда бўлган; уни Навоий ва Бобур асарларидан тортиб, Абдулла Қодирий, Айний, Ойбек ижодида учратиш мумкин: бу сўз ўзбекчарусча луғатлардан ҳам ўрин олган: тижорат — савдо-сотиқ коммерция; тижоратчи — савдогар, аҳли тижорат-савдогарлар, тужжор — савдогар;

Демоқчимизки, рынок сўзига «бозор»дан кўра тижорат сўзи кўпроқ тўғри келади: бозор иқтисодиёти эмас —тижорат иқтисодиёти, бозор муносабати эмас — тижорат муносабати дейиш мақбул.

С. ҚОРАЕВ, филология фанлари номзоди.

Шахсий мулоҳаза

Тажрибада ҳикмат кўп

Турмушнинг антиқа ҳодисалари бор: бирор нарсага кучимиз етмагудек бўлса имконият ўрнига баҳона қидира бошлаймиз. Айбни кўпроқ ўзимиздан соқит қилишга интиламиз. Ваҳолонки, фақат ҳаракат, амалий иш, иштиёқ билангина кўзланган марраларга эришилади. Иккинчидан, муайян тажрибасиз муваффақиятга эришиб бўлмайди. Тажриба эса бир-икки кунда эмас, балки йиллар давомида тўпланади. Деҳқоннинг тадбиркорлиги ана шу тажриба ва табиий имкониятлардан оқилона фойдаланишдадир. Фикримнинг исботи учун мен хўжалигимиз ва бригадамизда амалга оширилаётган тажрибалар ҳусусида гапириб ўтмоқчиман.

Қишнинг охири ва баҳорнинг бошланиши деҳқондан ўта тадбиркорликни талаб қилади. Ҳар йили февраль ойида ҳаво қисқа муддат исийди. Колхозимизда маккажўхори, лавлаги, сабзавот уруғларини ана шундай пайтда экамиз. Бунинг учун бир-икки даража иссиқнинг ўзи етарли. Демак, ташвишларнинг учдан бир қисмидан халос бўлинди. Энди техника воситаларини бемалол чигит экишга сафарбар қила оламиз.

Ғўза вегетациясининг ҳам ўзига яраша қийинчилиги бор. Айниқса, ипак қурти парвариши даврида ягона ва ўтоқнинг тўғри келиши кўпчиликни шошириб қўяди. Бундай пайтда район марказидан қўшимча кучлар олиб ишлаганмиз. Кейинги икки йилда колхозимизда бу қийинчиликни ҳам енгишга муваффақ бўлдик. Бунинг учун ишни эрта баҳордан бошладик. Март ойининг дастлабки беш кунлигида чигит қадаладиган барча майдонларни суғордик. Натижада ер қизиши билан ўт уруғларининг барчаси кўкарди. Уларни экиш олдидан бороналаб ташладик. Майдонларда фақат ғўза ниҳолининг ўзи кўкариб чиқди. Яганалаш сифатли ўтказилди.

Ғўза парвариши — пахтачиликдаги энг асосий жараён. Айниқса, ниҳолни озиқлантириш деҳқондан жуда катта куч талаб этади. Бундай масъулиятли палладада у ёки бу тадбирнинг бир кунга кечикиши ҳосилнинг муайян қисмини нобуд этиши мумкин. Мен суғориш, культивация, ўғит бериш чеканкани назарда тутяпман. Икки-уч йилдирки, биз суғоришни фақат шарбат усулида ўтказамиз. Маҳаллий ўғит жамғариш, уни чиритиш, элаб тайёрлаб қўйиш кундалик ишга айланган. Шу боисдан ғўзаларимизнинг авжи ўзгача.

Бригадамизда 134 гектар пахта майдони бор. «С-9070» навли чигит экканмиз. 15 августда пахтамиз очила бошлайди. Ҳозирнинг ўзидаёқ ҳосилини кўтаролмаётган ғўзалар.

Деҳқончиликда табиатга боғлиқ бўлмаган тажрибалар ҳам бор. Гарчи ҳаммамиз турмушда кўриб, билиб турсак-да, уларни ҳаммавақт ҳам қўллайвермаймиз. Масалан, далада ишловчилар меҳнатини ташкил этиш масаласини олиб қарайлик. Биз дала шийпонларини меъёридан ортиқ безатиб ташлаган эмасмиз. Аммо тушликда колхозчига, албатта, мева-чева топиб берамиз. Ўзингиз ўйлаб кўринг, тушлик пайтида мол-ҳолидан хабар олмаган колхозчи бўладими? Нега энди биз уни мажбурлаб дала шийпонида ушлаб ўтиришимиз керак. Ойлик маошни ўз вақтда иш жойига элтиб бериш — рағбатлантиришнинг энг оддий, аммо энг керакли усули. Бизда ана шу иш график асосида йўлга қўйилган. Одамлар колхоз идорасида кассирни соатлаб кутиб ўтиришмайди.

Хуллас, тажрибада ҳикмат кўп. Фақат уни ўз вақтида, оқилона қўллай билиш керак.

Неъмат ҚАРШИЕВ, Иштихон районидаги «Муродобод» колхози бригада бошлиғи.

Пашшалар ғужғон ўйнайди

Халқимиз «ҳовли олма қўшни ол» деб бежиз айтишмаган. Чунки ёмон қўшни оромни бузади, оиладан осойишталик йўқолади. Бундайлардан кўчиб қутулмасликдан ўзга чора йўқ. Қияли қишлоғи аҳолиси эса қўшнини ўзи танламади. Аксинча, Қўқон шаҳар Автодормехбазасига қарашли чиқиндихона э йўқ бе йўқ қишлоқ четига жойлашиб олаверди. Шундан бери 23 йил ўтди. Шу йиллар давомида Фрунзе ноҳиясидаги Қияли, Тумор, Қақир, Олтиўртоқ қишлоқлари аҳолисининг бу чақирилмаган қўшни устидан шикоят қилмаган жойи қолмади. Чунки аҳолининг тоқати тоқ бўлган. Чиқиндихонада махсус санитария қоидаларига кўпинча риоя қилинмайди. Шамол турса қишлоқлар аҳолиси уйларининг эшик-дераза ларини танбалаб олишга мажбур — шамол олиб келган бадбўй ҳидга чидаб бўлмайди.

— Кунига шаҳардан 100-120 тонналаб чиқинди олиб келиб тўкилади, — дейди чиқиндихона диспетчери Т. Нуралиев. — Халқнинг арзида жон бор. Негаки, ахлатни қайта ишлаш заводи қурилиши масаласи неча йиллардан бери пайсалга солиб келинаяпти.

Салкам 20 гектар майдонни эгаллаган чиқиндихонадаги ахлат «тоғ»лари узра пашшалар ғужғон ўйнайди. Чиқиндихона атрофи девор билан ўралмаган. Тўкилган чиқинди махсус дорилар ёрдамида ишлов берилгач, шибалаб юборилиши лозим. Бироқ биз борган пайтда учтўрт кунлик ахлат уюмлари шиббаланмай ётарди. Чиқиндихонада биронта ҳам махсус пашша ушлагични кўрмадик. Қумқияли қишлоғидан Улуғ Ватан уруши ногирони Ж. Эрматовнинг айтишича, чиқиндилар кўпинча қоидага зид равишда ёқиб юборилади. Ахлат ташувчи машиналар усти беркитилмаган. Улар Қўқондан чиқиб, ноҳия маркази ҳудудини ҳам ифлослантириб келади. Дорилаш қонун-қоидаларига риоя қилинмайди. Натижада эса бу чиқиндихона турли касалликлар тарқатувчи манбага айланиб қоляпти.

Ҳолбуки, шу атрофдаги қишлоқларда 80 мингга яқин аҳоли ишлайди. Мактаблар, мактабгача тарбия муассасалари бор. Кейинги йилнинг ўзида шу қишлоқда 216 кишининг юқумли сариқ касаллигига йўлиқиши бежиз эмас. Оҳунбобоев номли давлат жамоасининг 90 ўринли болалар боғчаси чиқиндихонадан атиги 300-400 метр масофада жойлашган.

— Пашшанинг кўплигидан дори қўйиб улгуриб бўлмаяпти, — дейди тарбиячи Н. Маматқулова, — Ёш болаларни овқатлантириш, кундузги уйқуга ётқизиш вақтидаги қийинчиликлар туфайли ҳам тарбияланувчилар ҳам, тарбиячилар ҳам қаттиқ азият чекишяпти.

Қўқон шаҳридаги экологик вазиятнинг ўта оғирлиги бугунги кунда ҳеч кимга сир эмас. Лекин бу экологик бузилишни зудлик билан тузатиш ўрнига чор атрофга тарқатишдек хатарли аҳвол наҳотки мутасадди раҳбарларни ташвишга солмаса? Зеро, районда ҳаво ва сувни муттасил равишда ифлослантириб келаётган манбаларнинг аксарияти Қўқон шаҳрига тегишли. Аҳолининг норозилигига қарамай, аҳволни яхшилаш учун кескин чоралар кўрилмаяпти. Қўқон шаҳри, вилоят кенгаши ижроия комитетлари, бошқа мутасадди ташкилотлар аҳоли турмуш тарзига, сиҳат-саломатлигига катта хавф солиб турган бундай ачинарли манзарага муросасозлик қилиб келмоқда. Бундай долзарб муаммони ечиш ўрнига лоқайдларча томошабин бўлиб турибдилар.

А. ИБОДИНОВ, «Совет Ўзбекистони» мухбири.



ПАЙЧИЛИК АСОСИДА

ЧЕБОКСАРИ. Чувашияда янги қурилиш материалларини заводини бунёд этиш билан шуғулланадиган ширкатчилик жамияти ташкил этилди.

Унинг пайчилари янги қурилишлар учун ғиштга навбатсиз буюртма бероладилар. Юксак даражада механизациялашган бу йирик корхона йилига 75 миллион дона ғишт ва салкам бир ярим миллион квадрат метр кошинлар ишлаб чиқаради. Ширкатчиларнинг куч-ғайрати билан бу завод қурилиши Кугеси қишлоғи яқинида келгуси йилдан бошлаб юборилади.

ЯНГИ БЕДА НАВЛАРИ

МАЙКОП. Беда бўлмаса, кўп сут соғиб олиб бўлмайди. «Адигей бедаси» илмий-ишлаб чиқариш системасини ташкил этган автоном вилоят деҳқончилик саноати уюшмаси мутахассислари шундай деб ҳисобламоқдалар.

У қишлоқ хўжалик тажриба станцияларининг илмий ходимлари ва ўнлаб колхоз ҳамда совхозларнинг мутахассисларини бирлаштирди. Янги ташкилот хўжалик ҳисоби асосида ишлайди. Янги беда навлари унинг дастлабки маҳсулоти бўлади. Бу нав бедасини суғорилмаган ҳолда ҳам уч-тўрт марта ўриб олиш мумкин.

БЎЛАЖАК ОНАЛАРГА ИМТИЁЗ

МАГНИТОГОРСК (Челябинск вилояти). Металл буюмлар заводи меҳнатчиларига нарх-наво ўсишини қисман қоплаш мақсадида қўшимча 50 сўм пул берилмоқда.

Завод касаба уюшмаси конференцияси ана шундай қарор қабул қилди. Шунингдек, корхонада асосий касб ишчиларининг отпускаси олти кунга узайтирилди. Бу ерда бўлажак оналар одатдаги белгиланган муддатга қараганда икки ой илгари декрет отпускасига чиқарилади.

ТАБИИЙ ГАЗ КЕЛДИ

МАРИ. Туркманистоннинг Қорақум районидаги «Мир», «Москва» колхозлари ва СССР 50 йиллиги номли совхоз меҳнатчилари табиий газдан фойдалана бошладилар.

Бу ерга «Туркменгаз» ишлаб чиқариш бирлашмаси қурувчилари кўп километрли газ қувури ўтказишди. Ҳозир улар газ тақсимлаш ускунасини қуришни ва хўжаликларнинг олис участкалари аҳолиси уйларига кичик диаметрли газ қувурлари тортишни тугалламоқдалар.

АКАДЕМИЯ ДИПЛОМИ БИЛАН

КАУНАС. Маҳаллий медицина академиясида янги факультет ташкил этилди.

Бу ерда 150 дан ортиқ қиз ўқийди. Улар тўрт йилда олий маълумотли бўладилар. Бу факультетни битириб чиққанлар клиника ва касалхоналарда катта медицина ҳамшираси бўлиб ишлашлари, билим юртларида дарс беришлари мумкин.

ХУШТАЪМ ЧОЙ

СПАССК-ДАЛЬНИЙ (Приморье ўлкаси). Узоқ Шарқнинг ёввойи ўсимлиги — элеутерококк яна бир мақсадда қўлланила бошлади.

Бу ўсимлик тетиклаштирувчи қўшимча сифатида чойга аралаштирилмоқда. Ўлка давлат саноат хўжаликлари Грузиянинг Махарадзе шаҳридаги чой қадоқлаш фабрикасига ана шу шифобахш ўсимлик баргларини жўната бошладилар. Спасск давлат саноат хўжалиги коллективи ушбу янгиликнинг ташаббускори бўлди. Бу ерда баргни ишлайдиган махсус қуритиш ускунаси қурилди.

ҚАДИМИЙ САНЪАТ НАМУНАЛАРИ

ШИМОЛИЙ БАЙКАЛ (Бурятия АССР). БАМ тарихи музейида очилган ажойиб экспонатлар кўргазмаси қадимги Бурятия санъати манбалари билан таништиради.

Кўргазмага XVIII—XIX асрларга мансуб жуда қизиқарли топилмалар қўйилган. Булар— меҳнат қуроллари, уй-рўзғор буюмлари, қурол-яроғлардир. Аёллар тақинчоқлари алоҳида қизиқиш уйғотмоқда.

(ТАСС).

• *Саховатпешалар* •

ОДАМЛАР ТАШВИШИДА

Юришлари дадил, сўзлари мулойим, юзларидан нур ёғилиб турган бу отахонни нафақат жумҳуриятимиз қалам аҳли, балки кенг жамоатчилик яхши танийди. Табаррук номларини фахр билан тилга олади, ҳурмат билан эъзозлайди. Бу бежиз эмас, албатта. Абдуфаттоҳ ота эсини танибдики эл-юрт хизматида, одамлар ташвишида елиб югуради.

Келинг ҳурматли газетхон, яхшиси ўзбек журналистикасида ўзига хос нурли из қолдирган таниқли журналист Холбек Ёдгоров ўзининг «Ҳаёт тўлқинлари» китобида Абдуфаттоҳ Набихўжаев ҳақида ёзган қуйидаги сўзларни эсга олайлик: «А. Набихўжаевга хос бир фазилат шуки, у сира тиниб-тинчимайди. Қаерда бирон янгиликдан хабар топса, албатта у ерга боради ва масаланинг моҳиятини чуқур ўрганади. Агар бу янгилик ҳақиқатан ҳам оммалаштиришга лойиқ бўлса, дарҳол газета саҳифасига олиб чиқади. Матбуот тарқатишдаги жонкуярлигини айтмайсизми».

Отахонни ҳар гал редакцияда кўрганимда албатта бирор юмуш билан юрганларини кўраман. Гоҳо аризачиларнинг иши жойларда, мутасадди раҳбарларнинг озгина ҳаракати билан битиб кетиши мумкин бўлсаю, уларнинг лоқайдлиги туфайли одамлар сарсон бўлаётганидан куюниб юрса, гоҳида жойлардаги ибратли ишлар, ўрнак олса арзийдиган ютуқлар ҳақида ёзган мақоласини завқ билан ходимларга ўқиб бераётганини кўраман. Ана шунда бу нуроний отахон маҳаллада жуда кўп жамоат ишини бажариш билан одамларнинг дардига малҳам бўлиш, қанчадан-қанча мақола, хабарлар ёзиш учун ўзида қандай вақт, куч-ғайрат топди, экан деб ўйлаб қоламан.

— Дангаса баҳона қидиради, доно имконият қидиради, деб бекорга айтишмаган, — дейдилар Абдуфаттоҳ ота. — Давлатга хизмат қилиб қўйдим, энди давлат менга берсин қабилида уй, кўча, чойхонадан бошқасини билмайдиган қариялар анчагина. Баъзида айримлари ёшларга: мен сенлар учун қон тўкканман, фаровон яшашларинг учун, ундоқ қилганман, бундоқ қилганман деб жамоат жойларида мақтаниб қолишади. Аслида бундай мақтаниш, миннат билан одамларнинг меҳрини қозониб бўлмайди. Яхши гапга илон инидан чиқибди, деганларидек ширин сўз, ибратли иш билангина биз кўпни кўрган қариялар, обрў-эътиборга сазовор бўлишимиз мумкин. Журналистлик менинг иккинчи, аммо энг севган касбим. Матбуот кучи, қаламим қудрати билан анчагина эзгу ишлар қилдим, эл назарига тушдим. Демак, ёмон яшамаяпман.

Дарҳақиқат журналистлик Абдуфаттоҳ аканинг иккинчи касби. Ота асли боғбон оиласидан. Шунинг учун бўлса керак ёшликдан халқнинг қорни тўқ, эгни бут бўлиши учун колхозда пиллачилик соҳасида турли лавозимларда ҳалол ишлади. Ана шу пайтларда ҳамқишлоқларининг фидокорона ишлари, деҳқон ташвишлари, зироатчилик муаммолари ҳақида район, область газета, журналларга ёзиш иштиёқи туғилди. Ёзганлар пешма-пеш босилгач, қаламини янада маҳкамроқ тутиб, илҳом билан ижод қилавердилар.

Бошқа касбларни билмадиму, лекин кўп ва хўп ёзадиган журналист меҳнати эл назарига тез тушади. Қишлоқ муаммоларини чуқур, юракдан хис қилиб ёзадиган камчиликларни дадил фош қиладиган, ютуқлар сирини содда, тушунарли тарзда бера оладиган Абдуфаттоҳ Набихўжаев ҳам матбуотчилар назаридан четда қолмади. Уни 1949 йилда Ўзбекистон телеграф агентлигига ишга таклиф қилишди.

У 13 йил мобайнида шу даргоҳда баракали ижод қилди. Ишчилар, деҳқонлар, зиёлилар, чўпонлар қўйингки барча касб эгалари билан учрашди. Шу даврларда А. Набихўжаев имзоси билан рангбаранг мавзуларда ёзилган мақола, репортаж, лавҳа, очерклар дунёга келиб, матбуотимиз тарихида ўзига хос из қолдирди.

Кейинчалик Абдуфаттоҳ ака 1962 йилдан то 1972 йилгача республика «Союзпечать» бошқармасида бўлим бошлиғи вазифасида ишлади. Шу даврда оммавий ахборот воситаларини тарқатиш, аҳоли ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини амалга оширишда жонбозлик кўрсатди.

Отахон мана қарийб 20 йилдирки «Совет Ўзбекистони» газетаси жамоатчилик қабулхонасида ҳормай-толмай ишлаб келмоқдалар. Пенсияда бўлсалар ҳам турли мавзуларда баракали ижод қилиш билан жойлардан келган шикоятчиларни

Масалан, бундан бир неча йил бурун Самарқанд районида яшовчи II группа ногирони Абдумўмин Рўзиқуловнинг хотини эрини 2 та боласи билан ташлаб кетган, кейинчалик эрининг номидаги ҳовлини ўз номига ноқонуний ўтказиб олган. Уй-жойни сотмоқчи бўлган. А. Рўзиқуловнинг аризасини Абдуфаттоҳ ота редакциянинг жамоатчи ҳуқуқшуноси Кабир Комилов билан районга бориб текширади. Отахонларнинг ғайрати билан ҳақ жойига қарор топади.

Ўтган йили Янгийўл районидаги Ҳамроқул Турсунқулов номли колхоздаги озиқ-овқат дўконида ишловчи Зулхумор исмли ёшгина аёлни ОБХСС ходимлари харидордан 15 тийин уриб қолди, деган айб билан прокурор рухсатисиз қамоққа олишган. Натижада хомиладор аёл қўрқиб, хомиласини чала ташлаб қўйган.

Редакция бу ишни текшириш учун Абдуфаттоҳ Набихўжаев ва Жуманиёз Маҳмудовни Янгийўлга юборди. Икки жамоатчи журналистнинг аралашуви туфайли Зулхумор қамоқдан озод қилинди. Бундай воқеаларни истаганча келтириш мумкин.

Хуллас Абдуфаттоҳ отанинг одамлар учун қилган эзгу ишларини санаб адоғига етиш қийин.

Отахон эл учун ҳалол хизмат қилиш билан бирга яхши, оқил, одобли, илмли фарзандларини ҳам тарбиялаганлар. Уларнинг ўғилларидан бири Абдукарим Набихўжаев жумҳурият журналистлари ичида ўткир истеъдод эгаси бўлган қалам соҳиби эди.

Абдуфаттоҳ Набихўжаев бугун 80 баҳорни қаршилаётган бўлсалар ҳам ҳали тетик, бардам-бақувватлар. Республика матбуотида катта ҳаёт тажрибаларига бой мақолалари мунтазам чиқиб туради. Биз ҳам кўпчилик қатори отахонга мустаҳкам соғлиқ, эл-юрт хизмати йўлидаги хайрли ишларида катта обрў-эътибор тилаймиз.

К. РИХСИЕВ.



● Ветеран ҳамиша сафда.

● Обрўга ширин сўз, ибратли иш билан эришган отахон.

● Кўп ва хўб ёзадиган қаламкаш.

● Эзгу ишлар шайдоси.

● Оқил, одобли, илмли фарзандлар отаси.

● Суратда: А. Набихўжаев жамоатчилик қабулхонасида.

В. МОЛГАЧЕВ сурати.

• *Мухбирларимиз ёзадилар* •

КАТТАҚЎРҒОН ПОЙАБЗАЛИ

● Вилоятдаги оёқ кийим дўконларида Каттақўрғон пойабзал фабрикаси маҳсулотлари пайдо бўлди. Улар асосан болалар учун тикилган.

Тўғри, ҳозирча бу корхонани етук маънода фабрика, деб бўлмайди. У Самарқанд пойабзал ишлаб чиқариш бирлашмасининг филиали. Ишчи ўрни ҳам тўлган эмас. Бироқ ГФР, Италия, Югославия, Чехословакия ва Польшадан келтирилган дастгоҳлардан фойдаланиш, жамоа ғайрати туфайли маҳсулотлар харидорлар эътиборига тушди. Фабрика тўла қувват билан ишлашига оз вақт қолди. Кейин бу ерда йилига бир миллион жуфт болалар оёқ кийими тайёрланади. Ҳар куни минг жуфтга яқин пойабзалга тамға босилаяпти. Шу билан бирга ишчи оилалари учун уй-жой, боғча қурилиши ҳам бошлаб юборилди.

БЕМОРЛАР ҚУВОНЧИ

● Самарқанд кўз касалликлари касалхонасининг иккинчи навбати фойдаланишга топширилди. Бинода кўз касалликлари микрожарроҳлик маркази жойлашган. Шифохонани 5-қурилиш трести қурувчилари бунёд этишди.

Энди бу ерда глаукома, катаракт, кўз нури хиралашиши каби касалликлар бўйича жарроҳлик муолажаси бажарилмоқда. Чунки, ГДРнинг «Оптон» фирмаси микроскоплари жарроҳлар қўлига берилди. Марказ Қашқадарё, Жиззах ва Бухоро вилоятлари беморларини ҳам қабул қилмоқда.

Ф. ТОШЕВ.

ОНА-БОЛА, ҲАМХОНА

● Бухоро вилояти марказида 100 ўринли туғруқхона ишга тушди.

Англия, Германия, Венгрияда ишлаб чиқарилган энг замонавий тиббиёт ускуналари билан жиҳозланган туғруқхонада она ва гўдакни алоҳида хонада парваришлаш кўзда тутилган. Боласи бағрида боқилаётган она ўзини яхши ҳис этиб, тез оёққа туради. Туғруқхонада гинекология бўлими ҳам очилади. Лойиҳа қиймати 3 миллион сўм бўлган туғруқхонани 162-қурилиш трестининг меҳнат жамоаси бинокорлари фойдаланишга топширишди.

ВИЛОЯТ КУЙЛАЙДИ

● Бухоро вилояти марказида Шофирқон ноҳияси маданияти куни бўлиб ўтди.

Шофирконлик бадиий ҳаваскорлик жамоалари вилоят маркази оромгоҳларида концертлар қўйиб беришди. Шаҳарнинг гавжум жойларида деҳқонлар етиштирган нознеъматлар билан савдо қилинди. Шундай қилиб, Бухоро халқ иқтилобининг 70 йиллиги муносабати билан вилоят бадиий ҳаваскорлик жамоалари беллашуви ниҳоясига етди. Унда Пешку, Бухоро, Когон, Ромитан, Навоий, Свердлов ва Томди ҳаваскорлари ўзига хос кўрик ғолиблари бўлишди.

Н. НАИМОВ.

ДЕНГИЗДАН МАКТУБ

«ЎЗБЕКИСТОН» АҲДИ

«Ўзбекистон» теплоходи гарчанд унчалик катта бўлмасада жаҳон сув йўлларида Совет Иттифоқи шарафини муносиб ҳимоя қилаётган кемалардан ҳисобланади. Унинг палубасида СССР байроғи кўтарилиб сувга туширилганига мана 25 йил тўлди. Шу йиллар кема жамоаси Қора денгиз бўйлаб Болгария, Туркия, Греция, Кипр, Сурия, Ливан, Жазоир, Италия, Югославия, Испания мамлакатларига борувчи совет ва чет эл сайёҳларига кўнгилли хизмат қилиб, уларнинг олқишига сазовор бўлмоқда. Экипаж аъзолари Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида ҳам бир неча марта ғолиб чиқиб, «Юксак маданиятли жамоа» деган фахрли унвонни кўп йиллардан буён қўлдан бермай келаётир.

220 йўловчига мўлжалланган бу кемада сайёҳларнинг кўнгилли ҳордиқ чиқаришлари учун шинам барлар, ресторанлар, спорт майдончалари, сузиш ҳавзалари ишлаб турибди.

Кема салонлари Ўзбекистон ҳаётига оид қизиқарли ҳужжатлар, суратлар, ўзбек рассомларининг асарлари билан безатилган. Кутубхонадан Ўзбекистонда чоп этилган китоблар, рўзнома ва жаридалар кенг ўрин олган.

Кема жамоаси теплоходнинг 25 йиллик юбилейи муносабати билан совет ва чет эл сайёҳларига янада юксак маданият билан хизмат кўрсатишга аҳд қилдилар.

П. МАСЛОВ,
Одесса.

КИТОБАТ НУСХАЛАР

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Ҳ. С. Сулаймонов номидаги Қўлёзмалар институтида манбаашунослик бўйича самарали илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Изланишлар натижасида бой адабий меросимиз янада янги номлар билан тўлиб, мазмун ва шакл жиҳатидан салмоқли тус касб этмоқда. Шулар натижаси ўлароқ, ҳар йили олимлар меҳнатининг маҳсулини ўзида жамлаган тўпламлар мунтазам нашр этилмоқда. Бу эса ўзбек халқининг бой адабиёт, маданиятга эга эканлигидан далолат бериб турибди. Биз шу мақсадда институтда кейинги йилларда олиб борилган изланишлар билан Сиз азиз муштарийларни ошно этиш ниятидамиз. Бу галги суҳбатимизда институт директори, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, Азиз ҚАЮМОВ, филология фанлари доктори, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби Холид РАСУЛ, филология фанлари доктори Муҳаммаджон ҲАКИМОВ иштирок этдилар.

— Азиз Қўлатович, маълумки, XVIII асрда Қўқон адабий муҳитида яшаб, ижод этган шоир Шўхийнинг бизгача фақат икки мисра шеъри маълум эди. Қўқон ҳукмрони Эрдонабий Ўратепани эгаллагач, Шўхий тарих туширган. Бу тарих Муҳаммад Амин домулла қаламига мансуб «Туҳфат ут—тавороҳи хоний» китобида келтирилган. Яна шу китобда Шўхийнинг ўз замонининг кўзга кўринган шоирларидан бири эканлиги айтилган. Унинг Қўқон тахти ворниси Абдураҳмон Қатлига «Аниси ризвон» деб тарих туширгани қайд қилинган. Бу маълумотни биз сизнинг «Қўқон адабий муҳити» (1961) китобингиздан билар эдик. Яқинда Шўхийнинг кимлиги, унинг адабий мероси тўғрисида янги маълумотларга эга бўлдик. Бу меросимиз мухлислари учун тамомила янгилик. Шундай эмасми?

А.ҚАЮМОВ: — Ҳа, албатта. 1988 йилда Қўлёзмалар институти фондидаги форсча китобларни илмий таърифлаш чоғида бир қўлёзма девон учради. Фондда 3674 тартиб рақамида сақланувчи ушбу девон 139 варақдан иборат. Девондаги барча ғазаллар, маснавийлар, тарихларда Шўхий тахаллуси туширилган. Тахминан 7 минг мисра шеърни ўзида жамлаган бу девон Шўхийга мансублиги маълум бўлди. Девон 1174 ҳижрий (1760—61 мелодий) йилларда тартиб этилган.

Шўхий девонидаги шеърлар ичида шоирнинг таржимаи ҳолига оид маълумотларга эга бир маснавий бор. Унинг сарлавҳаси бундай: «Мақоматномаи Шўхий шикастани шишаи маасират ва гусистани шерозаи жамъият ва жудо шудан аз ватани офият ва сокин шудан ба шаҳри ғурбат ва сар ниҳодан ба болини ҳасрат (123а)». 127 байтдан иборат бу маснавийда (ичида 10 байтли ғазал ҳам бор) шоир ўз шаҳрида яхшилар даврасида хотиржам ва хушбахт яшаганини айтади.

Аммо бир маҳал у сафарга чиқади. Кўп манзиллар, биёбонларни босиб ўтиб бошқа шаҳарга етиб келади. Бу мусаффо шаҳарда дилоро дўстларни топарман деб ўйлайди. Бироқ бу ерда оғир касалликка учрайди. Хорлик ва бехосликка мубтало бўлиб, кўп уқубатлар чекади. Шундай шароитда унинг олдига бир гуруҳ покиза, хуш кўринишли кишилар келиб, уни Турон мири йўқлаётганлигини айтадилар. Шоирнинг кўнгли кўтарилади. У шаҳаншоҳга таҳсинлар ўқийди.

Девондаги шеърлар асосан тожик тилида битилган. Лекин девонда ўзбек тилида ёзилган асарлар ҳам бўлса керак...

— Шубҳасиз. Девонда ўзбек тилида ёзилган қасида бор. У «Қасидаи туркий» деб аталган. Бу шундай бошланади:

Эй шукуҳи баргоҳинг аршон маҳкам бино,
Остонаи диргаҳинг чун тоқи гардун дилкушо.
Офтобу моҳи чарх устида куйди ,Рашкдин,
Бўлди то фарши хариминг дийдан аҳли вафо.

Шоир ўзининг туркий тилда шеър ёзмоғига Навоий илҳом бағишлаганини алоҳида таъкидлайди:

Ёқа тушти баски оҳанги
Навоий таъбима,
Гулшани мадҳингда бўлдим
булбули туркий наво.

Ҳозирча шуни айтишим лозимки, Шўхий девонидаги шеърлар ижтимоий ва лирик мазмунда бўлиб, улар алоҳида тадқиқ этилмоғи керак.

— Холид Расулевич, сиз улуғ шоир Навоийнинг «Бадойиъ ул-бидоя» (Бошланғич бадиалар» ёки «Ёшлик бадиаларн») асарини XV аср ўзбек адабий тилидан ҳозирги замон ўзбек тилига ўгирдингиз. Улуғ мутафаккирнинг 550 йиллик арафасида бу заҳматли меҳнатнинг нечоғлик зарурлиги шубҳасиздир. Майли, ишнинг ютуқ-нуқсонлари ҳақида қилни қирқ ёрадиган мунаққидларимиз фикр юритишар. Лекин сиз ҳам йирик олим, ҳам таниқли шоир сифатида шу хайрли ишни амалга ошириб, китобсевар халқимизга яхши туҳфа тайёрладингиз. Сиз шу узоқ давом этган ижодий жараён ҳақида ўртоқлашсангиз...

Х. РАСУЛ. — Раҳмат. Ҳозирги тилимизга ўгирилган бу ғазаллар шоирнинг фикр-мушоҳада, образлар дунёсини ўз ҳолича акс эттиради, деб ўйлайман. Шунингдек, Навоий ўйи, фикри, сўзлари ифодасидан узоқлашмасликка, тарихий, фалсафий мушоҳадаларга берилмасликка, қандай бўлса, шундайлигича акс эттиришга интилдик. Зотан, айрим адабиётшуносларнинг кўп шоҳадаларига берилиб, Навоий фикр, ўйлари, образларини тўла, атрофлича ифода қиламан. деб унинг байтлари, ғазаллар маъносига кўп юклар ортиб юборган ҳоллар ҳам бўлган. Шунинг учун ишимизда Навоий фикрлари, бадиий мушоҳадалари, образи ўқувчига ўз ҳолида етиб боришига ҳаракат қилдик. Зеро, шоир услуби XV аср ўзбек адабий тилининг намунаси бўлиб, салобатли, қийин, мураккаб жумлаларда ифодаланган. Бу мураккаб ифодалар ҳозирги замон китобхонига тушунарли бўлишига ҳам эътиборимизни жалб этдик.

Шунингдек, асарда форсча-арабча сўз, терминлар бениҳоя эркин, сарбаст ишлатилган. Айрим фикрлар форсча тузилиши билан ҳам қийин. Биз мураккаб мажоз, ташбиҳларда тавсиф этилган бундай ифодаларни мумкин қадар ҳозирги ўзбек тилида беришга интилдик.

Айни пайтда ўзбекчада бир сўз билан ифода қилинадиган фикрлар икки сўз орқали ифодаланган. Биз бундай ифодаларни мураккаб, қийин тузилган мисралар, байтлардаги шеърий ифодаларни ҳозирги замон тилида мужассамлантирдик.

— Муҳаммаджон ака, қадимий қўлёзмалар нодирлиги, фан учун янги кашф этилган ягона нусхалиги, айни пайтда миннатюра, бадиий китобат ва ҳаттотлик санъати учун бебаҳо манба эканлиги билан қимматлидир. Сиз кўп йиллардан буён Қўлёзмалар институтида изланишлар олиб боряпсиз. Бизга шу институт фондида сақланиб ўрганилаётган энг қадимги қўлёзмалар ҳақида қисқача маълумот берсангиз.

М. ҲАКИМОВ: — Фондимизда хоразмлик буюк тилшунос Абдулқосим Маҳмуд ибн Умар Замаҳшарий (1075—1154)нинг «Ал-Кашшоф» асари сақланади. Қўлёзма араб ёзувининг насх ва сулс услублари аралашган ҳолда олим вафотидан қарийб юз йил кейин — XIII асрда кўчирилган. Шунингдек, фондда шу асрга оид яна бир қўлёзма бор. У Муҳийиддин Яҳё ибн Шараф ан-Насафий ижодига мансуб, хадисларга оид асарнинг 1276 йилда китобат қилинган нусхасидир.

XIV асрда китобат бўлган нодир қўлёзмалардан иккитасини кўрсатиб ўтсак: Ферузободийнинг 1359 йилда кўчирилган «Ал-Қомус ул-муҳит» номли луғати. Бу қўлёзма 60 минг сўзли араб тилининг изоҳли луғатидир. Шарқ ва ғарб оламига машҳур бўлган «Калила ва Димна»нинг XIV асрда Бағдодда кўчирилган нусхаси ҳам институт хазинасидан жой олган.

Буюк форс-тожик шоири Ҳофиз Шерозий шеърларига кўплаб шарҳлар ёзилган. Ана шундай ниҳоятда мукаммал шарҳ XVI асрда Туркияда ёзилган. Усмонли турк тилида ёзилган бу шарҳни 1913 йилда хоразмлик машҳур ҳаттот Муҳаммад Ёқуб девон Уста Қурбонниёз ўғли Харрот ўзбек тилига таржима қилди ва гўзал хат билан кўчирди. 623 варақдан иборат бу улкан китоб фақат Ҳофиз шеърларининг ўзбек тилидаги ягона шарҳи бўлиб қолмай, балки XX аср бошидаги Хоразм китобат санъатининг энг олий намунасидир.

Илмий ходимлар Хоразмда китоб излаш жараёнида бир нодир қўлёзмани топдилар. Бу Зайниддин Восифийнинг «Бадойи ул-вақое» асарининг Огаҳий томонидан ўзбек тилига қилинган таржимаси бўлиб чиқди. Маълумки, Огаҳий таржима қилган асарларининг рўйхатини ўзи тузган ва унга юқоридаги асарни ҳам киритган. Ҳозиргача айрим тадқиқотчилар Огаҳий бу асарни таржима қилганига шубҳа билан қарардилар. Баъзи олимлар таржима бизгача етиб келмаган, йўқолган дер эдилар. Ниҳоят, таржиманинг топилиши Огаҳий меросини янги бир асар билан бойитди.

Суҳбатдош Баҳодир ВАЛИЕВ.

Муҳаррир
Р. РАҲМОНОВ.

Реклама ва эълонлар

II—ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
1990—1991 йили учун
КУНДУЗГИ ТАЙЁРЛОВ БЎЛИМИГА
ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Тайёрлов бўлимига 33 ёшдан ошмаган, тўлиқ ўрта маълумотли, халқ хўжалигининг барча тармоқларида мактабдан кейин икки йиллик амалий иш стажига эга бўлган илғор ишчилар ва колхозчилар ишлаб турган корхона, ташкилот, муассаса ва жамоа хўжалик йўлланмаси билан қабул қилинади.

ШУНИНГДЕК ТАЙЁРЛОВ БЎЛИМИГА:
— мактабни битиргандан сўнг танлаган соҳаси бўйича камида икки йил давомида кичик тиббиёт ходими (кичик ҳамшира ва санитарка) бўлиб ишлаганлар;
— СССР Қуролли Кучлари сафларидан заҳирага бўшатилган, олий маълумотга эга бўлмаган, қўмондонлик ёки ҳарбий қисм йўлланмаси билан келган ҳарбий хизматчилар;
— тиббиёт билим юртларини битиргандан кейин танлаган соҳаси бўйича камида уч йиллик иш стажига эга бўлганлар ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Тайёрлов бўлимига кимё ва биология фанлари бўйича ўтказилган суҳбат натижалари асосида қабул қилинади.

Институтга кириш имтиҳонларини муваффақиятли топшириб, конкурсдан ўта олмаган қуйидаги абитуриентлар тайёрлов бўлимига суҳбатсиз қабул қилинадилар:
— Институт билан корхона, муассаса, ташкилотлар ўртасида тузилган икки томонлама шартнома асосида, қандай иш стажига эга бўлишидан қатъи назар, ишлаб турган жойидан мақсадли равишда йўлланма билан келган ёшлар (шартнома кириш имтиҳонидан олдин тузилиши керак);
— Заҳирага бўшатилган ҳарбий хизматчилар (улар армия сафидан бўшатилгач, уч йил давомида шу имтиёздан фойдаланишлари мумкин);
— Меҳнат тиббиёт экспертизаси комиссияларининг олий ўқув юртларида ўқиш мумкин деган хулосаларига эга бўлган I ва II группа ногиронлари;

Қирувчилар институт ректори номига ариза, тайёрлов бўлимига йўлланма, ўрта маълумот ҳақида ҳужжат (асл нусха), 8 та 3х4 см. катталикдаги фотосурат, 086/У андозадаги тиббий шаҳодатнома, меҳнат дафтарчасидан нусха (кадрлар бўлими ходими томонидан тасдиқланиб, «шу вақтда ҳам ишлаб турибди» деб кўрсатилган ҳолда) топширадилар. Ҳарбий билет ёки гувоҳнома шахсан кўрсатилади.

ҲУЖЖАТЛАР 1 ОКТЯБРДАН 10 НОЯБРГА ҚАДАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

II—Тошкент давлат тиббиёт институти манзили: Тошкент шаҳри, Фаробий кўчаси, 2-уй. Бош ўқув корпуси.

АСАЛАРИЧИЛИКНИ ЎРГАНИНГ!
Ўзбекистон ССР Халқ маорифи вазирлиги
Тошкент вилояти Тошкент ноҳиясидаги
19-СОН ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1990—1991 ўқув йили учун
10-синф ҳажмида маълумотли 30 ёшгача бўлган йигит ва қизларни асаларичилик мутахассислиги бўйича
ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ўқиш муддати — 1 йил. Ўқиш даври узлуксиз меҳнат стажига киради. Билим юртини аъло баҳо билан битирган ўқувчиларга техникум ва олий ўқув юртларига кириш учун йўлланма берилади. Улар институтга конкурссиз қабул қилинадилар.

Ўқувчилар стипендия, тўрт маҳал иссиқ овқат, кийим-бош, талабалик гувоҳномаси билан таъминланадилар.

1991 йил 1 апрелдан ишлаб чиқариш практикасига юбориладилар.

Жамоат хўжаликлари ва давлат хўжаликларидан йўлланма билан келганлар ўз жойларига ишлаб чиқариш практикасига ҳамда ўқишни тугатганларидан сўнг ишга юборилади. Ўқувчилар практика даврида ишлаган иш ҳақларининг 50 фоизини оладилар.

Ўқиш 1990 йил 1 сентябрдан бошланади.

Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатлар топширилади: билим юрти директори номига ариза, таржимаи ҳол, туғилганлик ҳақида гувоҳнома ёки паспорт, маълумоти ҳақида шаҳодатнома, тавсифнома, турар жойидан маълумотнома, 3х4 см. катталикдаги 6 дона фотосурат, тиббий шаҳодатнома (086/У андоза), хўжаликдан йўлланма.

Ҳужжатлар 25 августгача қабул қилинади.

Билим юртининг манзили: Тошкент вилояти, Тошкент ноҳияси, А. Абдураҳмонов номли давлат хўжалиги, 2-бўлим, СПТУ-19. Телефон: 56-689. (Билим юртига бориш учун Чорсу метросининг автостанциясидан 466-автобусга чиқиб, «СПТУ-19» бекатигача келинади).

СССР Медицина саноати вазирлигининг
ТОШКЕНТ ВАКЦИНА ВА ЗАРДОБЛАР ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
бўш лавозимларга
ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

лабораториянинг кичик илмий ходимлари: биокимё, заҳарга қарши зардоблар, иммунология, амалиётга тадбиқ этишнинг тажрибавий технологияси ва уни ташкил қилиш.

Танлов муддати — 31 августгача.

Қуйидаги манзилга мурожаат қилинсин: 700084, Тошкент шаҳри, Тимирязев кўчаси, 37-уй.

Телефонлар: 34-79-53, 34-77-58.

КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!
«Узстальконструкция» трестининг
ТОШКЕНТ ҚУРИЛИШ-МОНТАЖ БОШҚАРМАСИ
ўрнатилган кислород станцияси ускунасини тўла ҳолида
СОТАДИ

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Жарқўрғон кўчаси, 22 «А»-уй.

Телефон: 96-26-43.

Ўзбекистон ССР Фанлар Академияси
Ҳисоблаш марказли Ўзкистон «Кибернетика» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг
КИБЕРНЕТИКА ИНСТИТУТИ
бўш лавозимга
КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

лаборатория мудири — дастурлаштиришни автоматлаштириш (фан доктори).

Конкурс муддати — 25 августгача.

Конкурс материаллари: 700125, Тошкент шаҳри, Ф. Хўжаев кўчаси, 34-уйга жўнатилсин.

ФУҚАРОЛАР ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон ССР Халқ назорати Қўмитаси фуқароларни шахсий ва бошқа масалалар бўйича якшанба ва байрам кунларидан ташқари ҳар куни соат 10 дан 13.00 гача ва соат 16 дан 18.30 гача, шанба кунлари эса соат 10 дан 13.00 гача қабул қилади.

Қариялар ва ногиронлар **33-69-76 телефони орқали ҳар куни соат 16 дан 18.00 гача** мурожаат қилишлари мумкин (якшанба ва байрам кунларидан ташқари).

Бизнинг манзил: Тошкент шаҳри, Йўлдош Охунбобоев кўчаси, 23-уй (аввалги Куйбишев кўчаси).

Ўзбекистон ССР Халқ назорати Қўмитаси.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Президиуми, механика, бошқарув жараёнлари ва информатика бўлими, СССР илмий ва муҳандислик жамиятларининг ҳамда Ўзбекистон тармоқ идораларининг жумҳурият идораси Президиуми, жумҳурият илмий-техника жамоатчилиги, Тошкент илмий-техника уйи, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институти жамоалари ССР илмий ва муҳандислик жамияти Ўзбекистон жумҳурият идорасининг раиси, «Сейсмодинамика» бўлимининг бошлиғи, академик, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг вице-президенти Т. Р. Рашидовга отаси, Улуғ Ватан урушининг қатнашчиси

Рашид БЕКМУҲАМЕДОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» («Советский Узбекистан») Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, пропаганда — 32-55-70, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70, совет қурилиши — 33-12-46, 32-57-20, 32-54-18, фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21, адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, халқаро ҳаёт — 32-54-14, хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 32-53-16 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06, коммунистик ахлоқ — 32-54-29, фельетонлар — 32-54-27, иллюстрация — 32-57-22.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Газета офсет усулида, А—2 форматида босилади.

№ 187.

ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12